Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№19 (273) 2002-yil 15-may

"Ҳуррият" сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!



Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Тараддуд



ЭРТАГА САМАРҚАНДДА "ҲУРРИЯТ" ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Газета таҳририяти ходимлари ўз муштарийлари билан бевосита юз кўришмаганига қанча бўлди? Қачон бир даврага йиғилиб, дарду дунё қилинди, суҳбат қурилди? Йўғ-э, саволни оғирроқ қўйиб, муддатни мунча чўзмасангиз, ахир деярли ҳар куни мухлислардан хат-хабарлар келиб туради-ку. Қолаверса, ҳафтада бир марта "Ҳуррият" мухлислар хонадонига кириб боради. Устма-уст қўнғироқлар жарангини-ку айтмай қўяверинг. Шунинг ўзи кам дейсизми?

Бундан-ку кўнглимиз тўқ, нолимаймиз, аммо юз кўришиб бир даврада гурунглашганга, дийдорлашганга нима етсин! Кўз-кўзга тушса, кўнгил кўнгилга йўл топади, дейишади. Журналистлар тилида минг марта ўқигандан бир марта кўрган яхши деган гап юради. Бу бежиз эмас, зеро, ўқимоқ — ярим дийдор, суҳбатлашмоқ эса...

Яна бир гап. Хат-хабарда, телефон ёки газета орқали айтолмаган гапларимизни мана шундай учрашувларда айтиш имконияти бор. Бу галги сафар тараддудининг маъноси ҳам шу. Хўш, "Ҳуррият"га айтадиган гапларингиз борми? Ҳар бир одамнинг кўнглида тугиб қўйган Сўзи, нияти бўлади. Сизда-чи? Сиз "Ҳуррият" ҳақида қандай фикрдасиз? Таклифларингизни тортинмай айтаверасизми? Танқидингиз-чи? Ва, албатта, истакларингизни ҳам четлаб ўтманг. Чунки "Ҳуррият" сизники, сиз "Ҳуррият"ники бўлишингизни доимо истаб келганмиз.

Таҳририят ижодий жамоаси Самарқандда "Ҳуррият" газетаси кунларини ўтказишни режалаштирганида ана шундай дийдорлашишни кўнглига туккан. Анжуманлар Самарқанд Давлат университети ва Самарқанд саноат қурилиш коллежи талабалари, Каттақўрғон туман ва шаҳар меҳнаткашлари, маориф ходимлари даврасида бўлиб ўтади, шунингдек, шаҳардаги тарихий обидалар ҳам зиёрат қилинади.

Самарқандда кўришгунча!

Ташаббус

ЯХШИЛАР ҲИММАТИ

Ҳар ойнинг охирги шанба куни вилоят ҳокимлиги қарори билан "Мактаблар куни" деб эълон қилингани қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга мактабларга ҳомий ташкилотларнинг бириктирилаётганини ҳам айтмасак бўлмайди. Энди Каттақўрғон шаҳридаги "Ёғ-мой" ҳиссадорлик жамияти 1-таянч мактабига кўмак кўрсатади. Қандай кўмак дейсизми? Унда эшитинг: корхона мактабни ободонлаштириш ва зарурий синфхоналарни таъмирлаш, меҳнат хоналари, спорт зали ва бошқа хоналарни тез кунлар ичида сифатли таъмирдан чиқариб беради. Бундан ташқари, мактаблар кунида Каттақўрғон "Ёғ-мой" ҳиссадорлик жамияти раҳбари Искандар Эшбеков, шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти билан оталикка олинган мактаб раҳбарияти билан учрашиб қилинган ишлар сарҳисоб қилинади, янги режалар тасдиқланади.

Мактаб жамоаси қилинган ишларни кўриб ҳомий ташкилот раҳбарларига ўз миннатдорчиликларини билдиришмоқда.

Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Ҳуррият" мухбири

ММ Мда

"ЭКСПО ИТАЛИЯ" ЯНГИЛИКЛАРИ

Шу йилнинг 21-24 май кунлари Ўзбекистонда "Экспо Италия"нинг технологиялар, ускуналар ва тайёр маҳсулотлар учинчи кўргазмаси бўлиб ўтади.

Италиянинг "INTEREXPO" кўргазмаси президенти Луижи Ремижо Миллий Матбуот марказида тадбир олдидан бўлиб ўтган журналистлар билан учрашувда бу галги кўргазманинг ўзига хосликлари хусусида тўхталди.

Маълум бўлишича, италиялик товар ишлаб чиқарувчилар ўзбекистонлик ҳамкорларга тўқимачилик саноати ва тайёр кийимлар, чарм галантерия ва пойафзал, қишлоқ хўжалик маҳсулотларин қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва савдо, тошни қайта ишлаш учун зарур ускуналарни намойиш этадилар. Кўргазманинг янгилиги шундаки, меҳмонхона ва ресторанлар учун ускуналар ҳам ташриф буюрувчилар ҳукмига ҳавола этилади.

Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Леопольдо Ферри Де Лазара ушбу кўргазма чоғида ўзбекистонлик бизнесменлар италиялик ҳамкорлари билан янги шартномалар тузишига ва бу икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкалашига ишонч билдирди.

Н.МЎМИНОВ

Жараён

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ — ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг бир гуруҳ тингловчилари Андижон вилоятида бўлиб ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси фаолияти билан танишдилар.

Асака автомобил заводининг маҳсулотлари нафақат ички бозор балки, чет мамлакатларда ҳам харидорлар эътиборини қозонаётгани ҳеч кимга сир эмас. 2001 йилда бу ерда тайёрланган 35 минг дона автомобилнинг аксарияти хорижда ўз эгалари топгани Ўзбекистонда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганини кўрсатиб турибди. Биргина ўтган йили россияликларнинг 10 минг дона "Нексия" харид қилишгани ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг харидоргирлигини исботлайди.

2000 йил сентябр ойидан бошлаб тайёрланаётган "ЎзДЭУавто"нинг янги маҳсулоти "Матиз" ҳам қисқа фурсат ичида жаҳон бозорига йўл олмоқда. "Матис" номи испанчада "ҳис-туйғу, нафислик" маъноларини англатишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Жорий йилда 50 минг донадан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган завод жамоаси янгиликларни ҳаётга тадбиқ этиш, қолаверса, яқин келажакда дунёнинг илғор компаниялари билан беллаша оладиган автомобиллар яратиш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқдалар.

— Тингловчиларни амалиёт жараёнида хорижий инвестициялар иштирокида бунёд этилаётган корхоналар фаолияти билан таништираётганимиз бежиз эмас, - дейди академия факултети декани, иқтисод фанлари доктори, профессор Тоҳир Маликов. — Зеро, эртанги кунимиз кўп жиҳатдан жаҳон бозорида қай даражада ўрин эгаллашимиз билан ҳам боғлиқ. Бунинг энг тўғри йўли хориж сармояси иштирокида қўшма корхоналар барпо этишдир. Тадбирдан кўзланган яна бир мақсад — академияда бўлғуси раҳбарлар сабоқ олишади. Олинган таассуротлар асосида жойларда янгиликларга қўл урилса, кўзланган мақсадга эришамиз".

Тингловчилар шунингдек, Андижондаги "ЎзДонгЖу" автомобил ва саноат бўёқлари ишлаб чиқарувчи ҳамда "ЎзКорамКо" автомобил бамперлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарида ҳам бўлдилар.

Усмон НУСУРОВ,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

УШБУ СОНДА:

РАҲБАРИМИЗДАН НИМАНИ ЎРГАНАЙЛИК?

ЭРКИНЛАШАЁТГАН ФИКРНИНГ САЛМОҒИ 2

ВАЙРОНКОР ҒОЯ КАСОФАТИ

МАЪСУД ЎЛИМИДА ГУМОНДОР

ИНСОН УМРИ УЗАЙМОҚДА 3

ИНСОН ИҚБОЛ БАХТ УЧУН ЯШАР...

ИРОДА СИНОВИ 4

Дараклар

КАРТЕРНИНГ КУБАГА ТАШРИФИ

АҚШнинг собиқ Президенти Жимми Картер Гаванага ташрифи чоғида Америка расмийлари унга Кубанинг оммавий қирғин қуроли ишлаб чиқаришда қўлланадиган технологияларни экспорт қилаётгани ҳақида аниқ исботи йўқлигини маълум қилганини айтди.

Ушбу баёнотни у Гаванадаги биотехнология лабораториясига ташриф чоғида берган. Куба Президенти Фидел Кастро Қўшма штатлар мамлакатни биологик қурол ишлаб чиқишда гумон қилгани боис Жимми Картерни бевосита Гаванага ташриф буюриб аҳвол фараз қилинганидек эмаслигига ишонтириш учун таклиф қилган эди.

Айни пайтда АҚШ Президенти Кубага нисбатан жазо чораларини янада кучайтириш тарафдоридир. Бироқ, Жимми Картер Кубага нисбатан 1961 йилдан буён қўллаб келинаётган бу чораларни бекор қилиш зарурлигини айтяпти.

КАШМИРДАГИ...ҚОТИЛЛИК

Жамму (Жамму ва Кашмир штати) шаҳрида ҳарбий кийим кийиб олган уч жангари Ҳиндистон армиясининг бу ердаги базасига тўсатдан ҳужум қилган. Бунинг оқибатида 29 нафар киши ҳалок бўлган. Ҳиндистон расмийларининг хабар беришича, ҳалок бўлганлар орасида аскарлар, аёллар ва болалар бор.

АҚШ давлат котиби ёрдамчиси Кристина Рокканинг Деҳлига ташрифи олдидан уюштирилган бу террористик ҳаракат Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги кескинликни янада кучайтириши мумкин. Кристина Рокка эса айнан бу кескинликни юмшатиш, икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш ниятида.

Зеро, айни пайтда Ҳиндистон ва Покистон чегара туманларига катта миқдордаги ҳарбий кучларни тўплаганлар. Вазият кутилмаганда издан чиқиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Айниқса Ҳиндистон Покистон томони экстремистларни молиявий қўллаб-қувватлашни тўхтатгани хусусида асосли ҳужжатлар тақдим этмаганини, мамлакат ҳудудига суқулиб кираётган жангарилар сони ҳам камаймаётганидан ташвиш билдирган.

ШИРАК МИНБАРНИ ТАРК ЭТДИ

"Фигаро" газетаси Франция Президенти Жак Ширакнинг жаҳл билан стадиондаги минбарни тарк этаётган чоғидаги суратини чоп этди. Би-би-си мухбирининг таъкидлашича, Жак Ширак корсикалик футбол фанатлари Франция миллий мадҳияси янграган пайтда унга ҳурматсизлик қилгани боис шундай қилган.

Франция Президентининг бу ҳаракати мамлакатдаги ўнг ва сўл кучлар томонидан ҳам бирдек маъқуллаш билан қабул қилинган. Зеро ўтган йил октябрида Франция ва Жазоир командалари учрашуви чоғида Бош вазир Лионел Жоспен "Марсельеза" янграшига футбол фанатлари ҳурматсизлик биришига чидаб ўтирган эди. Жак Ширакнинг миллий рамзларга ҳурматсизликка тоқати йўқлиги намойиши унинг обрўсини юксалтирди, деб ёзмоқда газеталар.

Парламент

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ТАЯНЧИ

Парламент давлат ҳокимиятини амалга оширишда давлат органлари фаолиятини ташкил этади ва асосий йўналишларини белгилаб беради. Жумладан, Конституция ва қонунларни қабул қилиш орқали халқнинг хоҳиш-иродасини ифода қилиб, давлат органларини шакллантиришда иштирок этади ва унинг фаолиятини назорат қилиб, республика тараққиётининг келажак дастурларини белгилайди. Давлатнинг молия ва бюджетини қабул қилиш, солиқларни белгилаш каби бошқа конституциявий ваколатларни амалга оширади.

Жаҳон тажрибасида Парламентлар тузилиши ва ваколатларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан ваколатлари чекланмаган Парламентга берилган ваколатлар доираси жуда кенг бўлиб, давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳал этиш ҳуқуқларига эга бўлади.

Ваколатлари қисман чекланган Парламентда берилган ваколатлар доираси чегаралаб қўйилади.

Мутлақ чекланган Парламентнинг ваколатлар доираси тор бўлади.

Парламент ваколатлари ичида энг асосийси қонунчилик ваколатидир. Фақат Парламентгина қонун ёки олий юридик кучга эга актларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Айрим давлатларда ижро ҳокимияти ҳам қонун қабул қилади, бироқ бундай ҳуқуқ Парламент томонидан берилиши керак. Ундан ташқари қонунлар референдум асосида ҳам қабул қилиниши мумкин ("Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1-модда). Лекин, барибир асосий қонунчилик жараёни билан фақат Парламент шуғулланади.

Парламент бир ёки икки палатали шаклларда бўлиши мумкин (5—6 палатали парламентлар ҳам мавжуд — Африка қитъасида жойлашган давлатларда). Ҳозирги вақтда дунёдаги кўпгина ривожланган (Буюк Британия, Испания, АҚШ, Франция, ГФР, Япония...) давлатларида икки палатали парламент тизими фаолият олиб бормоқда.

Аввало, икки палатали парламентларнинг тарихига назар солсак, у демократияни шакллантириш, ривожлантириш мақсадида эмас, балки аксинча демократияни ривожлантириш таъсирини сусайтириш мақсадида юзага келган. Чунки илк парламент вужудга келган даврда халқнинг, ёки халқнинг маълум бир қисми вакиллари сифатида парламентда мавжуд бўлган қуйи палата билан бир қаторда, аристократларнинг манфаатларига хизмат қилган юқори палата ҳам мавжуд бўлган. Парламентга халқ томонидан сайланган вакиллар палатасининг фаолият принципларининг такомиллашиб боришини аристократлар вакилларидан ҳисобланган иккинчи юқори палата чеклаб борган. Ҳозирги кунда Англияда иккинчи палата, яъни Лордлар палатаси аристократлар вакиллари ҳисобланиб, сайлов йўли билан эмас, балки тайинланиш асосида ташкил этилади. Аммо, демократиянинг шаклланиши натижасида аристократлар манфаати учун хизмат қилган иккинчи турдаги палаталар, ривожланган демократик давлатларда ўзининг олдинги хусусиятларини йўқотган. Эндиликда кўпгина ривожланган мамлакатларда юқори ва қуйи палаталар халқ орасидан чиққан вакиллардан ташкил топадиган органлар ҳисобланади.

Англияда юқори палата— Лордлар палатасининг ваколатлари чекланган ва жамоа палатасининг қабул қилган қонунларини энг кўпи билан бир йилга кечиктириш ваколатига эга.

Икки палатали тизим нима учун керак? Ҳар икки палата ҳам уни сайлаган сайловчиларни, халқни манфаатига хизмат қилувчи орган бўлишига қарамасдан, нега бир палатали Парламентни икки палатали қилиб ўзгартириш зарур бўлди? Бу саволга ҳар бир давлатнинг унитар ва федератив хусусиятларига кўра жавоб бериш мақсадга мувофиқ. Федератив давлатларда икки палатали тизим, федератив тузилишнинг воз кечилмас бир унсуридир. Чунки федератив тузилишдаги давлатларда палаталардан бири бутун халқнинг, бошқаси эса, унинг таркибида бўлган давлатларнинг яъни, федерация субъектларининг иродасини ифода этади. Ундан ташқари федерация субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилган икки палатали парламент федератив тузилишдаги давлатларни унитар давлатлардан ажратиб туради. Масалан, АҚШ, Канада, Австралия, Испания, Ҳиндистон каби давлатларда парламентнинг икки палатали эканлиги, уларнинг федератив тузилишдаги давлатлигини билдириб келган.

Унитар давлатлар орасида ҳам, икки палатали парламент тизимидаги давлатлар бор (масалан, Англия, Франция, Италия, Япония ва бошқалар). Булар давлат федератив давлатлардаги юқори палата ифода этган мақсадни эмас, балки бошқа мақсадларни амалга ошириш учун ташкил этилади. Масалан, қонунларнинг шошма-шошарлик билан қабул қилинмаслигини, қонунчилик жараёнининг такомиллашувини ҳамда уларнинг самарали ва янада диққат-эътибор билан ишлаб-чиқилишини, конституция ва қонунларнинг устуворлигини ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланишини амалга оширишга хизмат қилади.

Хулос қилиб айтганда, унитар тузилишдаги давлатларда ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг, яъни парламентнинг икки палатали тизимга ажратилганлиги ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидир.

Нуриддин ҚЎЛДОШЕВ,
Тошкент Давлат Юридик институти аспиранти

Мурувват

НОГИРОНЛАРГА ЭЪТИБОР

Каттақўрғон шаҳрида 10 мингдан зиёд нафақахўр, ногирон, қаровчисини йўқотган кишилар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, афғон уруши ва Чернобил ҳалокатини бошидан кечирганлар истиқомат қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, шаҳар ҳокимлиги томонидан уларга моддий ва амалий ёрдам бериб келинмоқда. Айниқса, ҳокимлик кўмаги билан 3 ярим минг нафар аъзоси бўлган шаҳар ногиронлар жамияти бир неча ҳунармандчилик ва маиший хизмат кўрсатиш устахоналарини барпо этди. Шундай тадбиркорлардан К.Санаев, С.Қўчқоровларни айтиб ўтиш жоиз. Уларнинг беминнат хизматларидан аҳоли мамнун бўлишмоқда.

Шаҳар ногиронлар жамиятининг жорий йилда амалга оширишни кўзлаган режалари борки, улар ҳам шаҳар аҳолисининг эҳтиёжини қондиришга ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилади.

У. ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Ҳуррият" мухбири

Ҳиммат

БЕПУЛ ДАРСЛИКЛАР

Қашқадарё вилоятида мактабларни дарсликлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Таълим муассасаларида дарсликларга бўлган эҳтиёж ўрганилиб, ҳомийлик ёрдами кўрсатилаётир.

Корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар, тадбиркорлар, ота-оналар орттирган даромадлари ва шахсий жамғармалари ҳисобидан дарсликлар сотиб олиб, мактабларга ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқишди.

Жумладан, Қарши туманидаги "Ипак йўли" жамоа хўжалиги 700 минг сўмлик, С.Раҳимов номли жамоа хўжалиги 660 минг сўмлик, Ю.Хушвақтов номли жамоа хўжалиги 600 минг сўмлик, туман бўйича жами 3 миллион 590 минг сўмлик ўқув дарсликларини ўқувчиларга инъом этишди. Бундай мисолларни Китоб, Касби, Когон, Қамаши, Яккабоғ туманлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Муборак тумани молия бўлими эса 1 миллион сўмлик дарслик ва ўқув қўлланмаларини мактабларга бепул тарқатди.

Қашқадарё замини азалдан ўзининг саховатпеша, юртпарвар инсонлари билан фахрланиб келган. Якка тадбиркорлар Б.Расулов 400 минг сўмлик, Н.Бўриева 200 минг сўмлик, бугунги кунда Тошкентда яшаб, меҳнат қилаётган болалар шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров ўзи таълим олган Қамаши туманидаги 66-ўрта мактабга 100 минг сўмлик дарсликни туҳфа этдилар.

Вилоят бўйича мактабларга ҳомий ташкилотлар ва саховатли кишилар томонидан бугунгача 16 миллион 611 минг 630 сўмлик дарслик етказиб берилди.

Сайдали НАБИЕВ
"Ҳуррият" мухбири

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Танқид

РАҲБАРИМИЗДАН НИМАНИ ЎРГАНАЙЛИК?

Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига кекса шифокорнинг эътирозлари

Ушбу ёзганимни мақола дейсизми ёки мактуб-шикоят дейсизми қатъи назар, “Ҳуррият” саҳифаларида эълон қилинаётган ҳаётий, инсонларнинг яшашига, ишлашига, халақит бераётган ҳолатлар очиқ-ошкора танқид қилинаётгани, ёритилаётганига ишониб, ҳурмат қилиб ёзаяпман.

Мен Раҳматилло Камолов умримнинг деярли эллик йилини халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилиб, боғлар ва ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, атроф-муҳитни ёшартириш, умуман, фойдали ишларга имкон қадар ҳиссамни қўшдим ва бундан хурсандман. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши кучимга куч қўшди. Ўзим бош ҳаким бўлиб ишлаётган Бухоро вилояти сил касалларини меҳнат ва даволаш оромгоҳида янада сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, беморларга, шифокор ходимларга қулай шароитлар яратиш борасида қўлимдан келган барча имконимни ишга солиб ишлашни ҳоҳлайман. Чунки ўз касбимни севаман, ҳурмат қиламан, қадрлайман. Хизматларим ҳамиша муносиб тақдирланиб, иззат ҳурматимни жойига қўйиб келишмоқда. Шунинг учундирки, узоқ йиллардан буён бош ҳакимман. Оромгоҳга республикамиздан келган, танишган катта-кичик раҳбарлар (ҳукуматимиз бошлиқларигача) ишимиздан, яратилган шароитлардан хурсанд бўлиб кетишган.

Мен жуда масъул вазифада ишлаб келмоқдаман. Беҳуда сарфлаётган вақтим ёки бўлар-бўлмасга шикоят ёзадиган одатим йўқ. Бу дунёда умрни хайрли, фойдали юмушларга сарфлашга не етсин?! Аммо ёш мамлакатимизнинг, шундай Президентимизнинг меҳнати қадрига етмайдиган кишиларни кўрсам чидаб туролмайман. Чунки бундайларнинг хатоси фақат ўзига эмас, кўпчиликка уради.

Мамлакатимиздаги тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни қадрига етмоқ лозим. Битта тиббий асбоб-ускуна учун бюджетдан миллионлаб пул сарфланишини билишимиз керак. Гап шундаки, Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Х.Тошев ана шу ислоҳотлар қадрига етиш эмас, тушунишни ҳам истамайдиган, давлат-халқ мулкини талон-тарож қилиш, ўзлаштириш билан овора. У ишни бош шифокорларни алмаштириш, лойиқ-нолойиқлигидан қатъи назар, шошилинч бошқа номзод топиш ва ишга қўйишдан бошлаган эди. Натижада кўплаб яхши мутахассислар ишдан четлаштирилди. Бир йил ишламай вилоятдаги 13(ўн уч)та шифохона раҳбарлари ишдан олинди. Бундан ташқари у малакали, вилоят учун жон куйдириб ишлайдиган олий тоифадаги шифокорларни ҳам бошлиқлар билан келишиб, “аттестацияга келмади”, ишга нолойиқ, деб сохта ҳужжатлар ёздириш йўлига ўтиб олди. Агар бош шифокор бўлсанг, қандай бўлмасин, Х.Тошевнинг талабини, қонунийми-ноқонуний фарқи йўқ — бажаришинг шарт. Х.Тошев бўлса, талабни иш, хизмат юзасидан эмас, ўз манфаатидан келиб чиқиб қўяди.

Мен шу вақтгача саккиз нафар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи билан ишлаганман. Шулардан бирортаси Х.Тошев сингари биринчи галда ўз нафси, манфаати йўлида қонунларимизни оёқ ости қилишга юраги дов берган эмас.

Мана, раҳбаримиз фаолиятидан бир шингил:

С.Аваков ва М.Слабодской деган фуқароларга Бухоро шаҳар касалхонаси коллежида ўқиди, деб сохта диплом - ҳужжат тайёрлаб бериб, уларни АҚШга юборди.

2000 йил 21 июлдан С.Аваковга ва М.Слабодскойларга иккинчи маротаба Х.Тошев ҳужжатлар тайёрлабди. (Ушбу сохта ҳужжатлар нусхасини илова қилаяпман)

Ахир бу бориб турган жиноятнинг ўзи эмасми?! Унинг (Х.Тошев) шаҳар касалхонасида бош ҳаким бўлиб ишлаганидаги кўплаб ишлари — камомад ва талон-торожлик ишларини кўпчилик билади, булар ревизия даврида очиб ташланган. Қурилишдаги ўзлаштиришлар ҳақида етарлича ҳужжатларга эгамиз.

Х.Тошевнинг уйига яқин Варахша массивидан шаҳар касалхонаси ҳисобига 50 гектар ер ажратилган эди. Ернинг даромади касалхонага эмас, Тошевнинг ҳамёнига қараб оқди. 50 гектар ернинг пахтаси, ёғи, шулиха, широт “Рахматбобо” фирмасига ўтказилди. Алдовни қаранғки, ернинг раҳбари ҳам бегона эмас, бошлиғимиз укаси — Ҳамза Тошев.

Ҳ.Тошев ҳеч кимни назар-писанд этмай, гапга кирмай давлат – халқнинг пулини ўзлаштиришнинг хилма-хил йўлларини топишда давом этди. Унинг ўғли бошқараётган “Дилором - 97” фирмаси Тошевнинг кўрсатмаси билан вилоят даволаш профилактика муассаларига тиббиёт аппаратураларини қиммат нархда етказиб беради. Чунки пул бюджет ҳисобидан-да! Мисол тариқасида айтсак, биргина Бухоро туман касалхонасига ФГС аппаратини жуда қиммат нархда сотди...

Яна бир кўзбўямачилик ҳақида айтишни истар эдим. Ҳикмат Тошев бир дона МТЗ-80 русумли тракторни ўзи яшаётган Т.Салимов колхозига Лоша колхозидан сотиб олган (колхоз раиси тоғаси Ғаффоров орқали) кейинчалик тракторни ўзи раҳбарлик қилаётган шаҳар касалхонасига сотиб олди. Ҳозирда эса ушбу трактор ва СНП-500 маркали сув насоси, прицеп отаси номидаги “Рахмат бобо” фирмасига хизмат қилаяпти.

Х.Тошев сохтагарчиликларини тўхтатиш ўрнига давом эттираяпти. Биргина мисол. У истаган пайтда марказдан мутахасис-профессорни чақиради-да(албатта норасмий) шифокорларни категориядан ўтказади. Шундай ҳолни профессор Аваков мисолида ҳам кўриш мумкин. У эрталаб соат ўнда Тошкентдан келиб, 92(?) кишини категориядан ўтказиб (бир кунда-я?!) яна соат 17.00да Тошкентга қайтиб кетаяпти... Бу орада тушлик учун кетган вақтни ҳам ҳисобга олсак, 92 кишини категориядан ўтказишга неча соат вақт сарфланаяпти?

Яқинда, Ф.Хўжаев туман прокурори вилоят ҳокимига вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасида йўл қўйилган қонун бузиш ҳоллари ва уларни бартараф қилиш юзасидан тақдимнома ёзди.

Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда қуйидагилар аниқланди. Тақдимномада кўрсатилган қонун бузишлари ва хато-камчиликлардан баъзиларини мисол тариқасида айнан кўчираяпман:

“...Текшириш давомида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Х.Тошев Тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида директор лавозимида ишлаб,

- бюджет маблағларидан фойдаланишда,

- тиббий техникаларни сотиб олишда,

- меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилишда ва бошқа ҳолатларда

қонун бузиш ҳолларига йўл қўйганлиги аниқланди.

Жумладан, шошилинч тиббий ёрдам марказига сотиб олинаётган тиббий асбобларнинг ишга яроқли ёки яроқсизлиги, эҳтиёт қисмларининг шу тиббий асбобларга тегишли эканлиги ёки йўқлиги, уларнинг янгилиги текширилмасдан сотиб олиниши натижасида ушбу асбоблар қисқа муддатда ишдан чиққан.

Марказга сотиб олинган Гастродуоденоскопия “Олимпус-СЛЕ” русумли тиббий асбоби дастлабки икки ойда ишлатилган бўлиб, 1,5 йил мобайнида ишлатилмаган.

Бюджет маблағи эвазига жуда катта миқдорда сотиб олинган эҳтиёжи бўлмаган тиббий асбоблар бир неча йилдан бери ишлатилмасдан сақланиб келинмоқда...

“Тибтехника” ёпиқ акционерлик жамияти “Дилором-97” хусусий фирмасидан 2000 йилнинг 13-июнь кунидаги 11 рақамли шартномага асосан уч турдаги жами нархи 17.738.000 сўм бўлган “Гастрофиброскоп”, “Электрокардиограф” ва “Отсос хирургический” деб аталувчи тиббий асбобларни сотиб олган. Шунингдек, 2001 йилнинг 31 март куни Бухоро туман марказий касалхонаси ҳам “Дилором-97” хусусий фирмасидан “Эзофагогастродуоденаскоп”, “Освитител”, “Микроскоп” номли тиббий асбобларни 6.400.000 сўмга сотиб олган...

Ф.Х.Махмудов,
Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси”.

Юқорида айтганимиздек, прокурор тақдимномасидан айрим қонун бузиш ҳолларигагина тўхталдик. Ёрдамчи хўжалик ва унинг ишчиларига иш ҳақи тўлаш, ёрдамчи хўжаликдан олинган 9 тонна пахта хом ашёсининг 3210 килограм техник чигитнинг маҳсулоти, марказда ўтказилган ва топилган қатор молиявий хато-камчиликлар ҳақида айтишни лозим топмадик.

Ахир бир раҳбар учун ушбу камчиликлар озлик қиладими? Биз туман ва шаҳар касалхоналарининг бош шифокорлари муҳтарам бошлиғимиз Ҳ.Тошевдан нимани ўрганайлик? Бюджет маблағларини хусусий фирмаларга ўтказиб, ўзлаштиришними? Сохта сертификатлар тайёрлаб, таниш-билишларни хорижга чиқиб ишлашига кўмаклашишними? Ёки малакали кадрларни секин-аста ишдан, масъул лавозимлардан четлаштириб, вилоятда Соғлиқни сақлаш тизимини заифлаштириб, издан чиқаришними? Хуллас, хатолар етарли, зудлик билан олди олинмаса, аҳвол бундан ҳам хавфли тус олиши ҳеч гап эмас. Юрак-юрагимдан ачиниб, юқоридаги қонун бузилиш ҳолларига тоқат қилолмай ушбуни ёзаяпман. Менга ҳеч нарса керак эмас, ўзимни, амалимни ўйлаб бу ишга қўл урмадим. Ватанимнинг оддий бир фуқароси сифатида, қолаверса, вилоятимизда Соғлиқни сақлаш тизимида озми-кўпми хизматим борлиги сабаб юқоридаги камчиликлардан бир кекса авлод вакили сифатида кўз юмолмадим.

Бу йил “Қарияларни қадрлаш йили”. Мен 70 ёшга кираяпман. Мен раҳбарлик қилаётган меҳнат ва даволаш оромгоҳи эса 40 йиллик юбилейини нишонлаш арафасидамиз. Ушбуни ёзишимдан мурод ҳар бир ёшу қари мутахассис (у ҳакимми ёки бошқа касб эгасими) раҳбар аввало ўз ватанига, унга касб-ҳунар ўргатган, раҳбарлик лавозимларига лойиқ топиб, эл орасида бир поғона баланд тутиб турган халқини унутмасин. Инсофни унутмасин.

Ҳурмат билан,

Раҳматилло КАМОЛОВ,
Бухоро вилояти Сил касалларини меҳнат ва даволаш оромгоҳи бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор

Таҳлил

ЭРКИНЛАШАЁТГАН ФИКРНИНГ САЛМОҒИ

Эркинлик ва озодлик - инсон луғавий бойлигидаги энг тотли сўзлардандир. Бу тушунчалар ҳақида сўз очилса, биринчи навбатда матбуот, оммавий ахборот воситалари тилга олинади. Демократияни матбуот эркинлигисиз тасаввур этиб бўлмайди, матбуот жамиятдан айри ҳолда фаолият юрита олмайди ҳам. Зеро, барча соҳаларни эркинлаштириш орқали ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари мамлакат миқёсида кечаётган либераллашув жараёнларининг муҳим бўғини сифатида йил сайин янги-янги босқичларга кўтарилмоқда. «Халқ сўзи»да босилган академик С.Ғуломов ва профессор Р.Алимовнинг «Ахборотлашган жамият», У.Жамоловнинг «Паблик рилейшинз», «Ўзбекистон овози», «Фидокор», «Ҳуррият» газеталарида эълон қилинган бир қанча мақолалар ОАВни эркинлаштириш муаммоларидан баҳс юритади.

Бир неча газетанинг шу йилги сонларини варақлагандаги туғилган мулоҳазалар ҳам моҳиятан фикр, сўз ва матбуот эркинлигига тааллуқли.

Мустақиллик даври оммавий ахборот воситалари оламида юз берган ўзгаришлар ҳақида сўз борганида янгидан-янги нашрлар вужудга келгани, журналистика факультетлари фаолияти тубдан жонланиб бораётгани, журналист кадрларни қайта тайёрлаш тизимида сезиларли ишлар қилинаётгани, бугунги ўзбек матбуоти жаҳон ахборот воситалари билан умумдунё ахборот тизимига кириб бораётгани фахр билан тилга олинади. Компьютерлашмаган таҳририятларнинг йил сайин оз қолаётгани, интернетдан кенг фойдаланиш оддий ҳаётий эҳтиёжга айланганини ҳам замонавий ўзбек журналистикасининг ютуқларидандир.

Оммавий ахборот воситалари ва матбуот шундай соҳаки, у ҳамиша кенг омманинг назарида яшайди, фаолият юритади. ТВ ёки радиони миллионлаб кишилар томоша қилади, тинглайди, газета-журнални истаган одам олиб ўқийди. Бугун Тошкентда босмадан чиққан газетани шу куннинг ўзида Вашингтон, Лондон ё Токиода ўқилаётгани оддий ҳолга айланди. Назаримда, мамлакатимиз матбуоти тўғрисида турфа фикр-мулоҳазалар туғилишининг бош сабабларидан бири ҳам шу. Кимдир ошириб мақтайди, кимдир қониқиш ҳосил қилмаганини бўрттиради, яна кимлардир умуман муносабат билдирмайди. Аслида бу каби муносабатларнинг бўлиши табиий, ундан ажабланмаслик керак. Мавжуд камчиликлар таҳлил этилса, фойдали таклифлар ўртага ташланса ҳар қандай матбуотчи, таҳририят ходими жон-жон деб қабул қилади, лекин баъзан шундай бўладики, муносабат билдириш кўтара савдо қабилида қуруқ ва асоссиз, таҳлилсиз танқиддан нарига ўтмайди. «Телевизорни кўрадиган томошаси қолмади», «газеталар бир хил», «танқид йўқ» қабилидаги гап-сўзлар, эътирозлар билдирилади. Тўғри, ахборот - матбуотнинг нони, хилма-хил ва тезкор ахборот узатиш даражасига етишмай туриб матбуотнинг либераллашувини тасаввур этиш мумкин эмас. Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов ёзганидек, «Юртимизда демократик қадриятлар тўла қарор топди, дея даъво қилсак муболаға бўлади. Айниқса сўз эркинлиги борасида қилажак ишларимиз кўп» («Халқ сўзи»). Шу билан бирга юзлаб газета, минглаб муаллиф устидан «ҳаммаси бир хил» деган хулоса чиқариш мутлақо асоссиз, ғайримантиқий деган бўлур эдим.

Таниқли ёзувчи Саъдулла Сиёев «Халқ сўзи»га келган хатларга ёзган шарҳини «Бировнинг бармоғидаги тикан» деб атади. Бундай шарҳлар газеталарда тез-тез чиқиб туради, лекин мазкур мақола адибона топқирлик билан ёзилгани учун ҳам диққатни тортади.

Муҳтарам Юртбошимиз тафаккур ва мафкурадаги янгиланишлар миллат менталитетининг янгиланишига олиб келиши билан муҳимлигини таъкидлаган эди. Бу мавзуда мулоҳаза юритиш, унинг моҳиятини, аҳамиятини таҳлил этиш анчагина мураккаб. Лекин олимлар, мутахассислар ва журналистлар ёзишяпти. Жумладан, «Ҳуррият»да эълон қилинган «Ўзбек менталитети: жамоавийлик ва индивидуаллик нисбати» мақоласи маълумотга ва мулоҳазаларга бойлиги билан, янада муҳими, газетхонни фикрлашга ундаши билан аҳамиятли. Мақола муаллифи - профессор Мансур Бекмуродов мавзунинг асосан бир қирраси - жамоавийлик ва индивидуаллик нисбати ҳақида сўз юритатуриб миллий менталитетни ташкил этувчи бир қанча хусусиятларни умуминсоний контекстда талқин этишга ҳаракат қилади. Биз кишиларимиз онгида ташаббуссизлик, бўшанглик, лоқайдлик, масъулиятдан қочиш туйғуларининг сақланиб қолаётганидан, бу каби иллатлар ижодкорона шиддат билан ёниб яшашга тўсқинлик қилаётганидан нолимиз. Мақолада бу сингари қусурлар илдизи қўрқув ва чўчиш туйғусига бориб тақалиши яхши тушунтириб берилган. Қаранг, давлат раҳбари фидойиликка ва ёниб яшашга даъват этса, кўзларида интилувчанлик, билимдонлик барқ уриб турган ғайратли ёшларимиз кўпайиб бораётганидан қувонса, нима сабабдан ҳамон «берсанг - ейман, бермасанг - судралиб юравераман» қабилидаги кайфиятдан батамом қутулиш қийин кечмоқда? Фикримча, ўзбек менталитети ва унинг ҳозирги тобланиш жараёнлари, бойлиги ва иллатлари хусусида жуда-жуда кўп ёзиш, баҳслашиш мутахассису зиёлилар «армияси» баҳамжиҳат киришадиган айни пайт.

Файласуф Қодирқул Рўзматзоданинг «Миллий тикланиш»да эълон қилинган «Эркак нега хотинидан қўрқади» мақоласида ҳам менталитетнинг ниҳоятда муҳим омили бўлмиш оилавий муносабатлар тадқиқ этилган. Ахлоқ-одоб, иззат-ҳурмат тушунчалари ўзгариб бораётгани билан бир вақтда эркин ва мустақил тафаккур ривожига асло имкон бермайдиган айрим ахлоқий-анъанавий удумлар сақланиб қолаётгани таъкидланган. Ваҳоланки, кейинги ўн йилнинг ўзида дунё, жамият ва инсон тушунчалари кескин ўзгарди, шундай пайтда итоаткор, тобе «яхши» болалар ўрни келганда энг оддий ҳаётий муаммолар олдида эсанкираб қоляпти. Муаллифнинг хулосаси аниқ: «Демократик жамият ўзининг туб моҳияти билан АҚЛ ва ТАФАККУР салтанати устига қуриладиган, шахс эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги қарор топадиган жамиятдир».

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги гарчи соҳа нашри бўлса-да, у кенг омманинг газетаси! Мухлиснинг кўплиги - фикр ва нуқтаи назарнинг кўплигидан далолат. Профессор Шариф Юсупов «Буни умр дерлар» ҳужжатли ҳикоясида Тошкентда таваллуд топган, лекин истибдод даври қатағонлари туфайли бир неча хорижий диёрларда яшаган ва 1977 йили Парижда вафот этган биринчи ўзбек дипломатларидан бўлмиш Сайид Исломбекнинг ҳаяжонли воқеаларга бой ҳаёт йўлини тасвирлайди. «Навоий сабоқлари» рукни остидаги, «Театр: қувонч ва ташвишлар» сарлавҳали давра суҳбатлари баҳс-мунозарага бойлиги сабабли анча ўқишли чиққан. Мисол учун театр мавзуидаги мубоҳасада театршунос Дилфуза Раҳматуллаева Миллий академик театр саҳнасида янги қўйилган «Қаллиқ ўйин» нари борса, маданият уйлари ёки этнографик ансамблларнинг томошаси бўлиши мумкин» деган фикрни ўртага ташлайди. Матбуотда бунга қарши мулоҳазалар айтилди, янги спектаклга томошабинлар гурра-гурра келаётгани рўкач қилинди. Бу ўринда гап - ким ҳақлигида эмас, балки бир саҳна асари юзасидан турфа мулоҳазалар очиқ-ойдин ёзилаётганида!

Фикрлар хилма-хиллигини таъминлашнинг баҳс маданиятини сақлашнинг муҳим шарти мутлақликка даъво қилмаслик. Мутлақлик даъвоси ҳукмронлик қилган жойда фикрдан фикр униб чиқмайди, давомийлик сўнади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» китобхонлик маданиятидан сўз очиб маъқул иш қилди. Мутолаа маданиятини шакллантириш борасида нашрларимиз, зиёлиларимиз зиммасида тоғдек масъулият турибди. Шу туркумда чиқиш қилган адабиётшунос Акбар Нурматов эътиборли гапни ёзган: «ҳозирги дунёмизнинг энг машҳур адиблари ўз асарларини китобхонга бирор нарсанинг моҳиятини тушунтириш учун эмас, аксинча, у ҳақда ўйлаш, фикр-мулоҳаза юритиш, ҳар хил талқин этишга ундаш учун ёзадилар».

Республикамизнинг газеталар симфониясига дадил қўшилиб кетган «Моҳият» газетасининг фаол муаллифларидан Исмоил Шомуродовнинг қаламига мансуб мақолаларни айни ўқувчини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга ундовчи кичик кашфиётчалар сирасига киритиш мумкин. Исмоил ҳам журналист, ҳам ҳуқуқшунос. Қизиқиш доираси кенг, интеллектуал бой зиёли йигит. Дам «Ҳуррият»да инсон ва инсонийлик моҳияти, дам «Моҳият»да онг, ақл-идрок, янгилик фалсафасига доир мушоҳадаларини тўкиб солади. «Тафаккур» журналида С.Цвейгга бағишланган мақоласи чиқди. С.Дали, Шопенгауэр, Хемингуэй, Ж.Лондон, Дон Кихотдан ҳикоя қилувчи мақолалари газетхонлар оғзига тушди. Мен сира иккиланмай Исмоил Шомуродовни мустақиллик даври ўзбек матбуоти кашф этган ўз сўзи, ўз қарашига эга тиниб-тинчимас муаллиф дегим келади! Ваҳоланки ўзим ўқувчи сифатида Исмоилнинг қарашларини тўла қабул қилолмайман, унинг таҳрирталаб жумлалари баъзан ғашни келтиради, баъзан, «Йўғ-э, жуда, оширворибдию!» деб юборасан киши. Шундай экан, И.Шомуродовнинг бошқаларга ўхшамаслиги, устунлиги нимада?

Ўқувчини давримизнинг энг долзарб муаммолари хусусида фикрлашга ундашида! Ҳозирги миллий қадриятларни боқий ва умуминсоний қадриятлар мезонларига солиб кўришга уринаётганида!

У тарихий рақамбозликка берилмайди, «қуйма» баландпарвоз ташбеҳларни қалаштирмайди, иқтибосбозлик касали ҳам йўқ ҳисоби. Балки, эмин-эркин ёзади, ўқувчини ҳам эмин-эркин фикр юритишга имкон қолдиради. Мутлақлик даъвоси йўқ.

Газетхон И.Саидов «Мақсад нима?» дея И.Шомуродов мақолаларида бирёқламалик, танқидий нуқтаи назар, қора бўёқ қуюқлашиб кетаётганидан норозиланади. Норозиликка эътироз йўқ, И.Саидовга шундай туюлаётган бўлса бордир, ҳатто «Моҳият» «ўз» муаллифига қарши мулоҳазани эълон қилиб тўғри йўл тутган. Кези келганда айтиш керакки, матбуот чиқишлари, хусусан баҳс-мунозарага айланиб кетиши мумкин бўлган мавзуларнинг бошқа муаллифлар томонидан давом эттирилмаслиги, фикрлар «тўқнашуви» қизғин тус олмаётганини кундалик матбуотимиз фаолиятидаги катта камчиликлардан дейиш мумкин.

Озод Шарафиддиновнинг «Нутқ» («Ёзувчи»), С.Мирзаевнинг «Китоб ўқийсизми, замондош?», Акбар Жонузоқовнинг «Миллат ва маънавият» («Ўзбекистон овози»), Асллиддин Болиев ва Муҳаммад Қуроновнинг «Маънавият ва раҳбар масъулияти» («Фидокор») турфа ва қизғин фикр алмашинувларни бошлаб беришга арзирли мақолалар эканига қарамай нега, нима сабабдан жамоатчилик жим ва лоқайд, ҳайронсан киши!..

* * *

Матбуотимизга хос хусусиятлардан бири - бугунги воқеа-ҳодисаларга асосан бир хил қараш ҳукмронлик қилгани ҳолда, боқий муаммолар, мавзулар юзасидан жиддий, салмоқли, муҳими - хилма-хил мулоҳаза юритиш ҳоллари кўп. Ваҳоланки, вақтли матбуот, гарчи асосан бугунги кун нафаси билан яшаса-да, яхшики, боқий ва умуминсоний қадриятлар, тушунчалардан узилиб қололмайди, зеро, у ҳар икки йўналишга уйғун ҳолда минбар беради. Қолаверса, халқни ва кенг оммани замонавий ва умрбоқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар мезонларида яшашга, фикрлашга даъват этиш ва чорлаш ҳам биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари зиммасидаги вазифадир. Бундай вазифага эришишнинг бирданбир йўли - жамиятнинг, матбуотнинг муттасил эркинлаша боришидир. «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳаётда таъминлаш бизнинг қонунчилик ва амалий фаолиятимизнинг доимий эътибор марказида туриши ҳақида гапириш ортиқча деб ўйлайман, - деди Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясидаги маърузасида. - Бу муаммолар билан боғлиқ бўлган сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш масалалари ҳам ана шу долзарб вазифалар қаторида туради. ...Бу муаммоларни ечиш йўлида ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп».

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси

Ёднома

ХОТИРА — МУҚАДДАС

1992 йилнинг 8 май куни — ҳаётимнинг энг ҳасратли, ғамаламлару, дард-фарёдларга тўлиқ бир куни бўлиб қолган. Бу машъум кунда мен меҳрибон отажонимдан жудо бўлганман(Отажонимни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин).

Отажоним 52 йиллик қисқа, лекин сермазмун ҳаётлари давомида кечаю кундуз эл-юрт хизматида бўлдилар.

Отажоним оилада 10 фарзанднинг тўнғичи бўлганликлари боис, укаларининг барчасини ўқитиб, уйли-жойли қилиб, уларга бош бўлганлар.

Отажоним онажонимга севиб уйланган эканлар. Шунинг учунми, кейинчалик бўлса-да, онажонимнинг олий маълумот олишларига, раҳбарлик лавозимларида ишлашларига имконият яратганлар.

Отажоним 30 йилдан зиёд шифокор бўлиб, эл-юрт дардига дармон бўлганлар. Бу хизматлари эвазига ҳукуматимизнинг бир қанча Фахрий ёрлиқлари билан ҳамда "Меҳнат фахрийси", "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишонлари билан тақдирланганлар. Бир неча йиллар давомида қишлоқ ва туман кенгашларига депутат бўлдилар. Ободончилик ва хайрия ишларида ташаббускор бўлиб, узоқ йиллар маҳаллага бош бўлдилар. (Биз фарзандлар баъзан отажонимнинг куйиб-пишиб, қўшнилар манфаати йўлида елиб-югуришларини истамасдик).

Ўша пайтлардаёқ қамқонли касалманд аёлларнинг туғишига қарши бўлиб, аёлларга "Соғлом онадан — соғлом бола туғилади, ҳаётда ўзларинг учун ҳам яшасанглар-чи? - деб тушунтирардилар.

Оилада беш фарзанд эдик. Отажоним билан онажоним бизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдилар. Доимо юриш-туришимизга, дарсларни мунтазам аъло ўзлаштиришимизга алоҳида эътибор билан қарардилар. Аллоҳга шукрки, барчамиз вояга етдик, ўқидик. Улар нафақат биз — фарзандларни, балки хонадонимизга тушган келинларнинг ҳам олий маълумотли бўлишига имконият яратдилар.

Ҳозирда маҳалламизнинг ёшу қариси Отажонимни дуо қилиб, тўю маъракаларда ва байрамларда фахр билан эслайдилар. Маҳалламиз аҳли Отажонимнинг номларини абадийлаштириш мақсадида маҳалламизга Мажид Исмоилов номини беришди. Отажоним бош-қош бўлиб, амалга оширган эзгу ишлар қўни-қўшнилар томонидан кунора ёдга олинади. Отажонимдан шифо топганлар эса Ҳайит ва хотира кунлари ховлимизга келиб, кўнгил сўраб, отажонимнинг руҳи покларига дуолар ўқишади.

Отажоним ҳеч қачон, ҳатто чет эл сафарларида ҳам ўзбекона дўпписини ечмас, доимо ўзлиги билан, ўзбеклиги билан фахр-ифтихорга тўлиб, республикамизнинг ҳар бир ютуғини — менинг ютуғим деб ҳисоблардилар.

Меҳрибонимга кун сайин гуллаб яшнаётган Мустақиллик нашидасини кўриш насиб қилмади.

Олам гулга бурканган, баҳор кунларининг бирида Отажоним биз фарзандларини доғда қолдириб, ҳаётдан кўз юмдилар...

Йил кетидан йил ўтиб, 1996 йил 1 апрел куни оиламиз бошига яна бир мусибат тушди. Навоий вилоят ички ишлар ходими, 38 баҳорни қаршилаш арафасида турган акам — Бахтиёр эрталабки уйқусидан уйғонмади...

Мана, 10 йилдирки, 8—9 май, 6 йилдирки 1 апрел кунлари оиламиз учун ғамгин хотира бўлиб қолган...

Президентимиз томонидан "9 май — Хотира ва Қадрлаш куни" деб эълон қилинганда дод солиб йиғлаб юборганман. Чунки бу кун меҳрибон Отажоним боқий дунёга кетган кун эди...

Гавҳар ИСМОИЛОВА,
Каттақўрғон Педагогика Коллежи ўқитувчиси

Шикоят

ИЖРОСИЗ ҚАРОРНИНГ ҚАДРИ

Муҳтарам бош муҳаррир!

Газетани мунтазам ўқиб бораман, шу боис сизларга мурожаат қилаяпман.

Ўтган йили 13 октябрь куни "Нексия" автомашинамни Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани ҳудудида бошқариб келаётганимда Китоб туманидаги 76-автобазага қарашли "ЗИЛ-555" русумли юк автомашинаси йўлимга чиқиб, уриб кетди. Бунинг натижасида автомашинам жиддий шикастланди.

Бу иш судда кўриб чиқилди ва юк автомашинаси етказган зарар 2 миллион 227 минг сўм қилиб белгиланди. Автомашина 76-автобазага тегишли бўлгани ва маъмуриятнинг топшириғи билан юргани сабабли менга етказилган зарарни автокорхона тўлайдиган бўлди. Бу ҳақда суд қарорида ҳам ёзилган. Бироқ ҳозиргача суд ижрочилари Шодиёр Ашуров ва Шавкат Чориев 2001 йил 16 ноябрда чиққан суд қарори ижросини таъминлай олмаяптилар. Улар билан ҳар ҳафта 76-автобазага бораман. Натижа йўқ. Устига-устак корхона раҳбарлари "кимга борсанг бор, қўлингдан келганини қил", дейишаяпти. Суд "ижрочилари" сабр қилинг", "эртаиндин" дейишдан чарчамайди. Вақт эса ўтиб бораяпти. Оворагарчилик ва асаббузарликни айтмайсиз.

Ижро қилинмас экан, суд чиқарган қарордан, ундай суддан не наф? Фуқаро ҳуқуқи ҳимоясини таъминлай олсагина суд обрў-эътибор топади. Муаммони ҳал этишда кўмаклашсангиз, деган умид билан,

Ғайрат ТЎРАЕВ

Қашқадарё

Муносабат

ЎЗБЕКЧИЛИКМИ, ЎЗБЕКЛИК?..

“Ҳуррият” газетасининг ўтган сонларидан бирида берилган “Ўзбек менталитети: индивидуаллик ва жамоавийлик нисбати” мавзусидаги мақоласини ўқиб, менда ҳам баъзи фикрлар уйғонди.

Ўзбек характери ҳақида гап кетганда, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романидаги Юсуфбек Ҳожининг ўғли Отабекни Марғилондан уйлаш учун чақиртирган пайтида, у ўғли томонидан рад жавобини олгач, "... биз бировни ишонтириб қўйганмиз. Бизнинг оилада лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди" сатрлари ёдимга келади. Абдулла Қодирий Юсуфбек Ҳожи образи орқали ўзбек характерини юксак маҳорат билан шундай ифодалаган.

Ўзбекчилик, ўзбек характери ҳақида гап кетганда ўзбекчилик бу — халқимизнинг фақат эзгу фазилатларини ифодалар эканда, деб хулоса қилиш мумкин. Аммо фақат яхши фазилатлар ҳақида гапирсак, бир ёқлама ўйлаган бўларканмиз.

Баъзида ўзимизнинг камчиликларимизни ҳам "ўзбекчилик"ка йўйишга, "ўзбекчилик" деб ўзимизни оқлашга ҳаракат қиламиз. Ҳозир одатга айланиб қолган наҳор ошини олайлик. Бундай исрофгарлик, катта харажатни "ўзбекчилик"ка йўямиз. Аксарият юртдошларимиз ўзларининг бефарқлик, беларволик, манманлик ва ўта андишалик каби қусурли жиҳатларини ҳам "ўзбекчилик" ибораси билан хаспўшламоқчи бўлади. Ортиқча асъаса-ю дабдабалар билан тўй қилган одамга "Шунча исрофгарчилик шартмиди?... десангиз "ҳа энди ўзбекчилик-да" дейди. Ёки маъракаларимизни олайлик. Шунақа "ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак..." деб ўргатувчилар кўпайиб кетади, лекин "Шуни қилмаса ҳам бўлади" - деган гапни ҳеч ким айтмайди. Буни ҳам "ўзбекчилик"ка йўямиз-қўямиз.

Ҳақлигини била туриб, ўзини ҳимоя қила олмаган кишига нега тўғри сўзни айтмадинг, деб сўрасангиз "ўзбекчиликда, дўстим, гап қайтариш маъқул эмас" - деганига кўп гувоҳ бўламиз.

Ишдан кеч қайтиб, оиласидаги икир-чикир юмушларни бажариш билан банд бўлиб, "Нарироқ тур, ҳозир даданг келса овқат вақтида тайёр бўлмаганлиги учун қанча гап эшитаман", дея боласининг ўринли саволларини тингламай эркин фикрлашлари, комилликка интилишларига ўзлари билиб-билмаган ҳолда тўсқинлик қилаётган аёллар, оналар... Бу ҳам "ўзбекчилик"...ми?

Энг ачинарлиси, ходим ўзини ҳар қанча тўғри эканлигини била туриб, андиша қилиб, ёки тўғрироғи "иссиқ ўрнини совутишдан" қўрқиб ўз раҳбарига фикрини айта олмаслиги.

Бозорларда ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишни билмаган харидорнинг сотувчи билан баҳслаша олмай, тўғрироғи унга "тенг кела олмаслиги" ёки кундалик турмушимизда учраб турадиган автобуслардаги назоратчиларнинг йўловчиларга қайтимдан беш-ўн сўм кам бериб кетиши ва шуни нима учун камлигини сўрай олмаслигимиз-чи?..

Энди ўйлаб қоламан. Қачондан бери инсоннинг ожизлигини, бефарқлигини кўрсатувчи салбий жиҳатлар "миллий фазилат" — "ўзбекчилик" бўлиб қолди.

"Ўзбеклик" бу буюк ифтихор. Бу миллат сифатидаги қадримизни, шаънимизни, ориятимизни ифодалайдиган муқаддас тушунча, ибора даражасига кўтарилиши керак.

Шу ўринда айтмоқчиманки, баъзи бир кишилар ўзларининг қусурларини, заифликларини бутун миллат номи билан оқламасинлар.

Агар бу иллатларни ўзингизда сезсангиз, қутулишга ҳаракат қилинг. Бошқаларда кўрсангиз уларни ҳам огоҳлантиринг. Шундагина, "ўзбекчилик"нинг ҳақиқий, пок маъносига етамиз. Шундагина бу ибора асл моҳияти билан бутун шон ва шарафи билан намоён бўлади.

Н.ҲАКИМОВА,
Республика Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ходими,
М.МУҲАММАДИЙ

Мозий

ВАЙРОНКОР ҒОЯ КАСОФАТИ

Ҳар йили май ойининг тўққизинчи кунида 1939-1945 йилларда ҳалок бўлган миллионлаб кишини эсланади. Биз - аждодларини қаттиқ эъзозловчи ўзбеклар учун бу кун алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун бу кунни "Хотира ва қадрлаш куни" деб атадик. Бу йил ҳам Хотира ва қадрлаш кунида ўтганлар руҳи шод этилди.

Келинг, Иккинчи жаҳон уруши тафсилотларини бир даҳшатли фильм, деб тасаввур қилиб кўрайлик. Кадрларини орқага ўгирсак, унинг биринчи кадри бир ғоядан бошланганлигини, Иккинчи жаҳон уруши - ана шу вайронкор ғоянинг "иши" бўлганлигини кўрамиз.

Беихтиёр Европанинг айрим мамлакатларида айрим ёшлар Адольфнинг туғилган кунини нишонлаётганини, теле экранда "лип" этиб ўтган боши қиртишланган шафқатсиз ёшларнинг башаралари эсга тушади...

Булар инсониятни огоҳ қилаяптими?

Ёвуз ғоялар ҳақида 1913 йилдаёқ герман империализми "ота"ларидан бири - бош штаб офицери, генерал Фон Бернгарде: "...агар биз ўз халқимизга жаҳоний миллат мақомини олиб беришни истар эканмиз, унда барча умидларимизни қиличга боғлашимиз, тинчликсеварлик ҳақидаги йиғлоқи хомхаёлларни итқитиб ташлаб, бизни ўраб олган таҳдидларга тик қарамоғимиз керак" деган эди.

Ана шу ғояларнинг тарғиботи ички ва ташқи йўналишларга қурилди.

Ташқи тарғибот иккинчи жаҳон уруши арафасидан бошлаб ўз "методологияси"ни яратди. Бу тарғибот Шарқда, Осиёда қандай кечганлиги ҳақида маълумотлар камлиги сабабли фашизм тарғиботининг Осиё ва Африка мамлакатларига қаратилган ғоявий ҳужумларига бир оз тўхталамиз.

Бир қараганда кулги билмас, мармар юзли фашистлар кутилмаганда Осиёга нисбатан ширин, сертавозе, дўст, меҳрибон, ғамхўр, ҳамдард бўлиб кўринди. Геббелснинг тарғибот вазирлиги тарғиботчилари овозида назокат, жозиба, ёлғон ва алдов меъёри оширилди. Содда, мўмин-қобил шарқликларнинг ҳушёрлигини, огоҳлигини сусайтириш мақсад қилиб қўйилди. Шу мақсадда улар Шарқ халқларининг "оғир аҳволи"га "қайғуриб", мустамлакачиликдан қутилишларига (ўша пайтда Шарқ мамлакатларининг кўпчилиги Англиянинг мустамлакаси эди) ўз "беғараз" ёрдамларини таклиф қилдилар.

Шарқ мамлакатларидан чиққан ватан хоинларини ёллаб, улардан ёзма ва оғзаки тарғиботда фойдаланилди. Мақсад, халқни ўзларига оғдириб, шерик қилиб, ундан сўнг қулга айлантириш эди. Агар бунинг иложи бўлмаса, бу иш ҳеч бўлмаса Шарқ халқларининг фашизмга қарши бирлашувининг олдини олишда асқотиши керак эди. Масалан, фашистлар ўзларининг Берлин ва Римдан узатиладиган радиоэшиттиришларида миллий озодлик қураши олиб бораётган "дўст Ҳиндистон халқи"га самимий ҳурматларини, бой ва қадимий ҳинд маданиятини жуда "севишлари"ни, Ҳиндистонни Англия мустамлакачилигидан озод қилиш иштиёқида ёнаётганликларини" ҳар куни такрорладилар. Фашизмнинг ғоявий пойдевори - ирқлар ва миллатлар тенг эмас, олий ирқ бошқа ирқларга эгалик қилиши ҳақидаги назарияси мутлақо бошқача талқин қилинди. Яъни, аслида олий(орий) ирқ назарияси бу - индуизм ва каста тузими эканлиги, ҳиндлар ҳам олий ирққа мансублиги, демак, улар бирлашиб фашизм ғоясини қўллаб-қувватлаб, ҳамкорлик қилишлари зарурлиги сингдирилди.

Гитлер ҳокимият тепасига келиши билан Эрон, Афғонистон, Ироқ, Саудия Арабистони, Фаластин, Жазоир, Сурия, Туркия, Ҳиндистон, Миср, Шимолий Африкага мафкуравий ҳужум янада кучайди. Жосуслар ва даъватчилар сони кўпайтирилди. Фон Папен, доктор Грабб, Барон Фон Оппенгейм, доктор Гранац, Шапаруж ўз даъватчилари тизими, "ҳалқалар"ини яратишди. Маҳаллий аҳолидан ирода-иймони бўш кишилар, ёшларни пул, ширин-шакар ваъдалар бериб, ўз тарафига оғдириб олишди. Уларни махсус ўқитиб, отиш, портлатиш, миш-миш тарқатишга ўргатишди. Фашизм ўз мафкуравий курашида диверсия (қўпорувчилик) услубларидан фойдаланди. Масалан, "сайёҳ", "мутахассис", "тадқиқотчи" ниқобида давлатларни ичида туриб парчалаб, бўлиб ташлаш, ўз тарафдорлари сонини кўпайтириш ва зарур пайтда уларни яшин тезлигида ҳарбий ҳужумга ҳам ғоявий, ҳам ҳарбий тайёрлаб борилди.

Бу "саёҳатчилар" қаторига энг юқори лавозимдаги кишилар ҳам бор эди. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Шарқ мамлакатларига Геббельс, Берлин ва Герман ёшлари раҳбари Балдур Фон Ширак, Германия Рейхсбанки раиси Шахт кабилар Қоҳира, Триполи, Деҳли, Эрон, Саудияда "дам олиб" қайтишган.

Араб мамлакатларида фашизм тарғиботи кучайтирилди. Фашизм руҳи билан суғорилган адабиётлар пешма-пеш араб тилига таржима қила борилди. Гитлернинг "Менинг курашим" деб номланган китоби нашр этилди. Бироқ, ундаги араблар ҳақида "ижодга ноқобил", "паст" деган тухматли жойлари ташлаб ўтилди. Аксинча, арабларнинг олий ирқ, яъни ўзларига, орийларга "ўхшаши" тўқилди. Бу махсус ташкил этилган ва "яширин" деб ҳаспўшланган "Араб Шарқи", " Озод Миср овози", "Озод Арабистон овози", каби радиостанцияларда муттасил қулоққа қуйиб борилди.

Бироқ Шарқ халқлари бу алдовдан ўзларини ҳимоя қилувчи мафкуравий ҳимоя тизими (ҳозирги ибора билан айтганда - мафкуравий иммунитети)ни ярата олдилар. Бу ҳақда Сурияда чиқадиган «Ат-тариқ» (Йўл)газетаси 1942 йилдаги 6-сонида «Фашизмга қарши курашиш - ҳар бир арабнинг миллий бурчидир! Биз фашизмга қарши курашар эканмиз, бу бизнинг ҳаётимизга хавф солаётган таҳдидга қарши кураш демакдир», деган умуммиллий шиорни кўтариб чиқди. Шарқ мамлакатларидан фашист даъватчиларини бирин-кетин ҳайдаб чиқара бошладилар.

Фашизмнинг қора тарғиботи самарали эди. Бунинг икки сабаби бор эди. Бири, махсус, ихтисослашган тарғибот ва ташвиқот аппарати бўлиб, бу аппарат ташвиқот ва дезинформация тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш, яъни юз минглик митинглардан тортиб чет эл мамлакатларининг мансабдор шахсларини ғоявий қопқонга туширишгача бўлган диапазонда ишлади. Фашизм тарғиботи ниқоб кийиш, тезкорлик, ёлғон ва алдовда устаси фаранг эди.

Иккинчидан, одамлар ҳис-туйғулари қўзғатиб, шафқатсизлик билан суиистеъмол қилар эди.Одамларни жазавага тушириш, қутуртиришдан тортиб, уларни саросимага солиш, қўрқитиш, ваҳимага солишгача бўлган икки қутбли ҳаяжонни бирваракайига қўллаб, фашистлар одамлардаги инсонийликни сиқиб чиқаришга уриндилар.

Й. Геббельс ўз тарғибот вазирлигининг очилишида сўзлаган нутқида (1933 йил, март) «Душман ўз рақибининг устунлигини тан олмагунча уни пулемётдан қириб ташлаш мумкин. Бу — энг оддий йўл. Миллатни эса руҳ, ғоявий инқилоб орқали ўзгартириб, ўз томонимизга оғдириб олишимиз мумкин...» деган эди.

Иккинчи жаҳон урушининг бир ярим йиллигини нишонлаш пайтида эса у "Ди Вох" ҳафтаномасига интервью бериб, манманлик билан "Биз ғоявий қуролни худди ҳарбий қуролдек маҳорат билан ишлатамиз. Шу сабабли биз ғалабалар йўлидан бораверамиз" деган.

Тарғибот иши сиёсат пайдо бўлгандан буён бор. Фашист тарғиботчилари дастлаб "судда иштирок этаётган адвокат" ролида чиқиб, ўз оқланувчилари фойдасига бир оз рост фактлардан ҳам қўйишган. Кейинчалик "тарғибот энг арзон, энг ишончли қурол" деб аталди. Яъни, тарғибот ҳам худди торпедо ёки бомба қандай мақсадда қўлланилса, тарғиботдан ҳам шу мақсадларда, яъни шовинизмнинг бош мақсадларига эришиш учун қўлланилди.

Ҳа! Фирибгар сизни алдаб бўлмагунча унинг фирибгар эканлигини билмайсиз. Аммо фашист тарғиботи ўз ғояларининг ёлғонлиги фош бўлганидан кейин ҳам заҳар сочишдан тўхтамади. Аксинча, ўзгача тус олди. Бунинг ўзига хос психологик хусусияти бор эди.

Фашистлар ўз тарғиботига одамлар ишонмаслигини билганларидан сўнг, улар "ишонмай қўйган одамларни ишонтириш" йўлларини қидиришди. Ишонмайдиганлар хусусиятини ўрганишди. Фараз қилинг, бир кишининг ғирт ёлғончилигини биласиз. Унинг бир оғиз ҳам сўзига ишонмайсиз. Бироқ, кунлардан бир куни у йўлдан ўтиб кетаётиб, "қаранг, уйингизнинг томидан тутун чиқяпти", - дейди. Агар у сизни учинчи, тўртинчи марта алдаётган бўлса ҳам, сиз чўчийсиз. Иккиланиб қоласиз, ҳаловатингиз йўқолади, ўтиролмайсиз ва секин қилаётган ишингизни ташлаб, ташқарига чиқиб, уйингизнинг томига қарайсиз. Бу ҳодиса хотирангиздан чиқиб ҳам кетади. Бироқ, сиз чўчидингиз, ваҳимага тушдингиз, қилаётган ишингизга зарар тегди. Бу усул ҳаммага таъсир қилади. Демак, шу тарика минг-минглаб кишини ҳам чўчитади, ишдан қолдиради. Демак, бу усул уни қўлловчиларга фойда келтиради.

Фашистик ғояларни байроқ билган Нацизмнинг «оммавий психологик қирғин қуроли» яратилди. Унинг амалиёти назариясидан олдин пайдо бўлди. Яъни, уни муҳим қисми - инсондаги онг, туйғулар азалдан бор ва тайёр эди.

Геббельснинг "тарғиботчилар қўшини" ана шу онг ва туйғуларни забт эта борди.

Чет элларга радиоэшиттиришлар тарқатиш турли тармоқлар ҳисобига ьойитилди. Эшиттиришларнинг бошловчилари тингловчилар тасаввурида ўзлари ҳақида "самимий, баъзан бесўнақайроқ, аммо қувноқ, яхши одамлар" деган образни яратишга интилдилар. (Бу ёндашув бизга ўзини дўст қилиб кўрсатувчи айрим "ғамхўр" радиоовозлар тажрибасида ҳозир ҳам қўлланилмоқда. Огоҳ бўлиш керак). Бу билан улар ўз мухлислари, шайдолари сони ва доирасини кўпайтиришга интилдилар. Шу мақсадда сухандонлар атайлаб кичик "хато"ларга йўл қўяр, бу ҳақда ёнидаги шеригига ҳазиллашар, "кечирасизлар, деразани сал ёпиб қўяй, ташқаридан итларнинг ҳуриши эшитиляпти, хўпми?" қабилида.

Оғзаки тарғибот уч даражадаги «муттахасислар» томонидан олиб борилди. Улар: Биринчи гуруҳ -«империя даражасидаги «юлдуз» нотиқлар (учига чиққан геббелсчилар), иккинчи гуруҳ - « нотиқлар бригадалари (ўрта даража) ва ниҳоят учинчи гуруҳ - ихтисослашган нотиқлар (иқтисодиёт, ҳалқаро масалалар, антисемитизм йўналишлари бўйича) табақаларидан иборат эди.

Уларнинг сони ва уларга ажратиладиган маблағ ҳам ошириб борилди. Геббельс аппарати дастлаб 100 кишига етар-етмас эди. 1933 йилга келиб тарғиботчилар сони 350, 1936 йилда - 2400 ва 1937 йилга келиб - 3000 кишига етди. Бюджет дастлаб уларга 4,5 миллион, 1935 йилга келиб 6-7 миллион, жумладан, хориж тарғиботига 35 миллион "Трансоцеан" ахборот агентлигига - 40 миллион, немис ахборот бюросига 4,5 миллион, кино ва театр орқали тарғиботга эса 40 миллион марка ажратилди. Шунингдек, махсус махфий жамғармадан аноним равишда 45 миллион марка ажратилди.

Фашизм тарғиботи ҳақида гап кетганда, махфий тарғибот идоралари хусусида тўхталиш керак. Уларнинг номлари борлиги кенг оммага маълум қилинмас эди. Бироқ уларнинг иши катта самара бермоқда эди. Улар қаторига «Шварц ван Берк идораси», «Бёмер идораси», «Қора радиостанциялари», «Винет» ташкилоти ва шартли номдаги «Акция Б» кирар эди. «Шварц ван Берк идораси» усули антиқа эди. У «шивирлаб» тарғибот қиларди. Ҳа, миш-миш тарқатарди! Берк идораси «махсулотлари» немис халқига, ичкарига қаратилган эди.

Карл Бёмер идораси эса чет элларда ишлар, у ёқдаги қалами ўткир журналистларни «овлаш» билан шуғулланар эди. «Қора» радиостанциялар хорижга қаратилган бўлиб, у ёки бу мамлакатдаги «оппозиция номидан» сўзлар эди.

«Акция Б» ташкилоти ҳукуматни «аҳолининг уруш шароитидаги кайфиятидан хабардор қилиб туриш ва уни кўтариш»дан иборат эди. Бу тахминан шундай амалга оширилар эди: Одамлар гавжум жойда икки барзанги ҳамроҳлигида бир киши- «суҳбатдош» пайдо бўлар, одамларни «тотал уруш»га даъват қилар, агарда ҳамсуҳбатлар уни қўллаб-қувватласа, ҳисобот ёзилар, акс ҳолда, кимдир «уруш керакмикин», дегудек бўлса... барзангилар томонидан дўппосланар эди.

Радио - фашистлар мафкурасининг самарали воситасига айлантирилди. Геббельс Германияни «халқ радиоприёмниклари» билан тўлдирди». "Халқ радиоприёмниклари» дейилишининг сабаби унинг арзонлиги - 76 маркалигида ва уларнинг чет эл радиостанциялари маълумотларини қабул қила олмаслигида эди. Кейинчалик бунинг самарасини сезган фашистлар «Немис минирадиоприёмниклари»ни миллионлаб ишлаб чиқаришди. «Немис минирадиоприёмниклари" дунёдаги энг арзон бор-йўғи 35 марка эди. Иккинчи жаҳон урушигача немис оилаларининг 70 фоизи, кейинчалик қарийиб ҳар бир оила радиоприёмник билан таъминланди. 1930 йилларда пайдо бўлган телевидение ҳам оммавий томошаларни кўрсатиш, мафкуравий тарбия мақсадига бўйсундирилди.

Фашист тарғиботи кинодан ҳам ўз ёвуз мақсадларида унумли фойдаланди. Ҳафталик кинохроникалар тузиб, кўрсатиш муттасил йўлга қўйилди. Бир ҳафтада 20000 метр кинолента Берлинга келиб тушар эди. Кинохроникаларни оммалаштириш, ҳар бир немис оиласининг кўришига эришиш учун бирбиридан маккор йўллар танланди. Масалан, қайси бир немис аёли кинохроникада ўз ўғлини кўрган бўлса, ариза ёзиб, ўша кадрнинг бепул нусхасини олиши таъминланди. Шундай қилиб, фашизмдек вайронкор ғоялар тарқалиши, миллионлаб кишиларни алдаши ўз ўзидан бўлгани йўқ.

А. Раушнинг ўзининг "Гитлернинг менга айтган гаплари" китобида фашизмнинг ёшлар тарбиясига оид маслагини баён этган эди. Китобда Гитлернинг "Биз шундай ёшларни етиштирамизки, уларнинг қаршисида бутун дунё қалтирайди. Улар кескин, талабчан ва золим бўлишлари, бошқача айтганда улар ёш, ёвуз ҳайвонларга ўхшашлари керак".

XXI аср остонасида шўролар "фашист" сўзининг олдига "немис" сўзини қўшиб тарғибот қилдилар. Ваҳоланки, бирор халққа бу сўзни ишлатиб бўлмайди. Халқ эмас, уни алдаган, уни ишонтирган вайронкор ғоя, уни алдаб ўз манфаати йўлида худди қулдек сафарбар қилган фашистлар айбланиши керак. Лоқайд инсоният бунинг азобини тортди.

Яқинда берлинлик дизайнер Ян Шредер Ўзбекистонга келган эди. "Самарқанд, Бухорони кўриб, олам-олам завқ олдим", деди у. Шу пайтлар Президентимиз И.Каримов Германия сафарида эди, гапдан-гап очилиб, суҳбат мавзуси шу ҳақда бўлди. Президентимизнинг 2000 йилда бўлиб ўтган Мингйиллик Саммитида Германияни БМТ Хавфсизлик Кенгашига киритиш таклифи ҳақида миннатдор олмонлар томонидан алоҳида жўшиб сўзлаб берди: "2000 йилга келиб ўзбеклар бутун инсоният, унинг ташкилоти - БМТ еча олмаган саволга жавоб топди. Фашизм балоси учун немис халқи айбдор эмас. Фашизм ғоясини ўйлаб чиққан, асосланган, бойитган ва тарқатиб-ташвиқ қилган ғараз ниятли кишилар командаси - фашистлар айбдор эди. Президентингиз И.Каримов таъкидлаганидек, ҳар бир халқ агарда огоҳ бўлмас экан, унинг қалби ва онгида бўшлиқ пайдо бўлар экан, турли шакл ва ниқоб, либосларда вайронкор ғоялар кириб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар борлигидан бутун инсониятни Ислом Каримов огоҳлантирди", - деди у тўлқинланиб.

Шунда бир суҳбатдошимиз "Ўзи нега Германия БМТга аъзо эмас?" - деб қолди. Ян Иккинчи жаҳон урушини, бунга сабаб бўлган, бутун бошли немис халқини ўз даврида бутун инсониятга ёмон отлиқ қилиб кўрсатган вайронкор ғоя - фашизмни айблади. Ҳалигача ўша машъум ғоя - залолат асоратлари ўзини эслатиб туради. Фашист колониялари зўрлаб ишлатган кишилардан ҳозир ҳам узр сўраб, компенсация тўламоқдамиз, - деди у. Шу суҳбат боис бир хулоса пайдо бўлди: токи, вайронкор ғоялар ҳозир Ўзбекистонимиз атрофида таҳдид солиб турган экан, уларнинг тарғибот-ташвиқот гирдоби айрим ёшларимизни тортиб кетган экан, уларга қарши курашга бирлашайлик. Салла ўраган фашизм - диний экстремизмнинг шиорлари бизни ва бутун инсониятни огоҳ қилсин. Огоҳ инсоният яна на миллий, на диний шовинзмга, экстремизмга ва уларнинг тарғиботига йўл қўймасин.

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат кенгаши қошидаги Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази директори, педагогика фанлари доктори

Ажиб дунё

МАЪСУД ЎЛИМИДА ГУМОНДОР

"Вашингтон пост". газетасининг ёзишича, АҚШда қўлга олинган почта хизматчиси Аҳмад Абдул Саттор Афғонистон Шимолий иттифоқи етакчиларидан бири бўлган Аҳмадшоҳ Маъсуднинг ўлимига алоқадордир.



Маълум бўлишича, Аҳмад Абдул Саттор Маъсуднинг жонига қасд қилган икки террорчи учун тавсия хатини тайёрлашда иштирок этган. Ҳуқуқ-тартибот органлари бу ҳақда унинг мисрлик қори шайх Умар Абдураҳмон раҳбарлигидаги террористик гуруҳ вакиллари билан тенлефон орқали мулоқоти ёзувидан билиб олдилар.

Абдураҳмон 1995 йилда Нью-Йоркнинг гўзал тимсоли бўлган жаҳон савдо мажмуига нисбатан қўпорувчиликни тайёрлашда айбланган эди. Айни пайтда у умрбод қамоқ жазосини ўтаяпти. Аҳмад Абдул Саттор унинг ташқи дунё билан алоқасини таъминлаб турган алоқачиси бўлган, деган гумонлар бор.

Ўз номини ошкор этишни истамаган мартабали шахс "Хат (Маъсудни ўлдирган) ўша икки йигит учун тайёрланганини" таъкидлаган. Аммо Абдул Саттор у йигитларнинг кўнглидаги асл режасидан хабардор бўлганми ё йўқлиги номаълум. Бироқ, Маъсуднинг ўлими 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган воқеалар билан узвий боғлиқлиги эътироф этилмоқда.

Абдул Саттор эса ҳозирча ўзига нисбатан илгари сурилган айбловларни рад этаяпти.

ИНСОН УМРИ УЗАЙМОҚДА

Инсон умри тобора узайиб бормоқда. 100 йил умр кўриш яқинда оддий ҳолга айланиши ҳеч гап эмас. Кембриж университети олими Жим Оппен ва Германиянинг М.Планк номидаги Демография институти ходими Жеймс Ваупел кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ана шундай хулосага келишди.



Олимлар 1840 йилдан бошлаб турли мамлакатларда инсон умри билан боғлиқ маълумотларни тадқиқ ва таҳлил этдилар. Маълум бўлишича, ўшандан буён инсон умри ўртача йилига икки ойдан узайиб бормоқда экан. Агар ана шу тенденция сақланиб қолса, яқин 60 йилдан сўнг инсоннинг ўртача умри 100 ёш бўлиши мумкин.

Она сайёрамизда айни пайтда аёллар ўртача 70 йил, эркаклар эса 65 йил умр кўрмоқда. Бу борадаги энг яхши кўрсаткичлар ҳамон японияликларга тегишли. Уларда аёллар ўртача 84,6 йил, эркаклар эса 77,6 йил яшар экан.

GLOBUS international life

Қойил!

СИЗ ҲАМ МИЛЛИОНЕР БЎЛОЛАСИЗ

Австриялик миллионер Уоррен Борсье беш йилда истаган одам бадавлат бўлиши мумкин, деган фикрда. Айни пайтда у Буюк Британия бўйлаб миллионер бўлишни истаганлар билан учрашувлар ўтказмоқда.

28 ёшли миллионернинг тақдимот маросимлари оз эмас, кўп эмас, қарийб 3000 доллар туради. Бироқ, бўлажак миллионер учун бу пул бўптими? Албатта, унинг сўзларига ишонмаётганлар ҳам бор. Бироқ, тақдимотга келганлар оғринмай пулни тўлаб, унинг маърузаларидаги тавсияларни эшитгач, тезда орзуларига етишларига ишонишяпти.

Уореннинг ўзи 13 ёшида мактабга боришни канда қилган. Дурадгорга ёрдамчилик ҳам унга хуш келмади. Унинг ўрнига ишсизлар нафақасини олиб туришни ва обдон ўйлаб олишни афзал билди. У иш этикасини ўта ёмон кўради. Унингча, ишламай ҳам шоҳона яшаса бўлади. Аммо мулкингиз ва акциялардан унумли фойдаланолсангиз. Уореннинг фикрича, сиз бор пулингизни кўп қиммат бўлмаган мулк сотиб олишга сарфласангиз ва фойда билан сотсангиз бўлди. Буюк Британияда бир ойда шундай усул билан 20 минг фунт ишлаб топсангиз бўларкан.

Борсьенинг фикрларида нимадир етишмаётгандек бўлади. Шунда у бойиш учун зарур қолган гапларни дам олиш куни бўладиган семинар чоғида айтамиз, дейди. Аммо, семинарга алоҳида, яна 3000 доллар пул тўлаш керак.

Йиғилган 100 нафардан тахминан 25 киши яна пул тўлашга тайёр экан. Улардан бири Саймон Симпсон яқинда интернет компанияси инқирози туфайли 2 миллиондан ошиқ зарар кўрибди. Шу боис миллионер бўлиш имконини берадиган ақл 10000 доллар турмайдими! Семинарга билет олганимиз бўлсин! деяётганлар кам эмас.

Ҳа, "Бойга бало урмайди", деганлари рост. Аммо иш бошлашга сармояси йўқлар нима қилсин. Ҳозирча бу саволга Уоррен бошқалардан пул олиб туринг, демоқда. Бироқ бошқалардан пул олиб бадтар қарзга ботганлар қанча. Ҳа, миллионер бўлиш ҳақиқатан осон иш эмас кўринади.

Хотира

ЛОБАНОВСКИЙНИНГ ЎЛИМИ

Футбол олами Киев "Динамо"чилари Бош тренери Валерий Лобановскийнинг ўлимини чуқур қайғу билан қарши олди. В. Лобановский ўтган душанба куни юрак хуружи туфайли оламдан ўтди.

Кўпчилик уни афсонавий устоз, нафақат "Динамо", балки миллий терма жамоалар етакчиси, футболга умрини бахш этган фидойи инсон сифатида биларди. Бироқ у аслида нафақат устоз, ўз вақтида ажойиб футболчи ҳам эди.

1961 йилда "Динамо" мамлакат чемпиони бўлганида у ажойиб голлари билан мухлисларга олам-олам шодлик улашганди.

Футбол дунёси ҳали майдон четида тебраниб ўтирган Лобановскийни узоқ эслаб юриши таний. Зеро у ҳақиқий футбол фидойиси эди.

Анъана

ОНАСИНИ КЎРИБ ҚИЗИНИ ОЛАДИГАН МИСРЛИКЛАР

Тараққий этган мусулмон давлати — Миср Араб Республикаси қонунларида никоҳ ёши аёллар учун 16, эркаклар учун 18 ёш деб белгиланган.

Амалда эса аксар қиз-йигитлар 24-25 ёшларда оила қурмоқдалар. Шаҳарда кўплаб келин-куёвлар бир-бирлари билан танишишиб турмуш қуришса, қишлоқда келин танлаш отаона зиммасидаги вазифа саналади. Сахро, чўл минтақаларида яшайдиганлар эса тарихий удумлар асосида келин танлашади. Қалин ўйланаётган йигитнинг моддий аҳволига боғлиқ. Шаҳарлик куёвлар келинга билакузук, сирға, узук каби қиммат-баҳо буюмлар совға қилишади. (Куёвтўра кўпинча тўй харажатларини бир ўзи қилади). Чўл, сахро минтақаларида эса қалин камида 10 та туя, 15-20 қўй ёки бир неча бош қорамол миқдорида бўлади. Мисрликлар келин танлашда "Онасини кўриб қизини ол" мақолига мос келадиган қадимги тарихий удумга амал қилишади. Яъни, бўлажак келиннинг онаси ҳар томонлама синчиклаб ўрганилгандан кейингина қизига совчи юборилади.

Келинлар ҳам оила шароитига қараб сеп тайёрлашади. Тўйларда "буни қиласан, уни қиласан, буниси кам", деган ортиқча гаплар бўлмайди. Иккала қуда барча муаммоларни ҳамжиҳатликда бамаслаҳат ҳал этишга ҳаракат қилишади.

Мисрда ЗАГС (ФҲДЁ) деган идора йўқ. У ерда ислом дини қоидаларига риоя қилинади. Никоҳ гувоҳномаси ҳам мулла никоҳ ўқигандан кейин берилади. Никоҳ шароитга қараб масжидда ёки келиннинг уйида ўқилиб, унда нотариус ҳамда суд ходими иштирок этиши шарт.

Шаҳарларда тўй "тўрт, беш юлдузли" меҳмонхона ресторанларида ўтказилади. Меҳмонлар сони эса куёвнинг ҳимматига боғлиқ. Айрим қишлоқ, чўл ҳудудларида асосий тўй тантанаси биздаги каби куёв хонадонида бўлади.

Тўйдан кейин барча ҳолатларда ёш оила ота-онасидан ажралиб алоҳида яшайди. Қадимдан қолган бу удум ҳатто чўл ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Янги ёш оиланинг уйга керакли мебель, телевизор, музлатгич ва бошқа асбоб-анжомларни кўп вақт куёв томон сотиб олади. Айрим ҳолларда қудалар келишиб, барча харажатларни биргаликда қиладилар.

Бундан 25-30 йил аввал келин тўйдан кейин қайнонасининг кўтариб турган ўнг оёғи остидан ўтиши шарт бўлган. Ҳозир эса бу удум йўқ. Шуни ҳам айтиш керакки, Мисрда иккита хотин олиш мумкин. Бунинг учун эркак хотини ўз қўли билан ёзган рухсатномага эга бўлиши кифоя.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ибрат

ИРОДА СИНОВИ

Ҳаракатда баракат, деб бежиз айтишмаган экан. Ёшим 70 ни қоралаб бормоқда. Тақдир тақозоси билан тўрт йил аввал кўр ичак касаллиги мени тўшакка михлаб қўйди. Қаторасига икки маротаба қилинган амалиётдан сўнг яралар 4 ой давомида тузалмади. Икки қулоқ бутунлай "битиб" қолди. Бош ва қулоқларда, ҳатто уйқуда ҳам тинимсиз қаттиқ шовқинлар безовта қила бошлади. Соғлиғимда, юриш-туришимда мувозанат, ҳаловат йўқолди. Лекин умидсизликка тушмадим, ҳаракатдан тўхтамадим. Дастлабки йил ётган ва ўтирган ҳолда қўллар, елка, оёқларимни аста ҳаракатлантиришга муваффақ бўлдим.

Ётган пайтларимда Тяньшан, Помир, Чотқол, Туркистон ва Нурота тизма тоғларида талабалар билан ўтказган саёҳатларимизни хаёлан кўз олдимга келтирдим. Улар гўё ҳозир ҳам мени ўз бағрига чорлаётгандек туюлади.

Шу тариқа ҳассасиз, девор, дарахтларга суянган ҳолда текис йўл, хиёбонларда мустақил юра бошладим. Оёқ ва қўллардаги қалтирашлар деярли йўқолди. Фақат бош айланиши, қулоқлардаги қаттиқ шовқинлар ҳамон безовта қилади. Шундай бўлса-да ҳар қандай об-ҳавода, ҳар куни тонгда 800 — 1000 метр масофани пиёда босиб ўтаман. Буларга ўз-ўзидан ва осонликча эришилмади.

Эътироф этиш лозимки, менга минг бир номдаги дори-дармондан кўра фаол ҳаракат, жисмоний машқлар, тоза ҳаво, руҳий тетиклик кўпроқ фойда келтирди. Бунда, айниқса, жисмоний тарбия бўйича мутахассис эканим қўл келди. Ўз фаолиятимда қўллаган жисмоний машқлардан намуналар келтирсам зарар қилмас. Тавсиялар кексалар, беморларга асқотиши мумкин.

Саломатликни яхшилаш ва руҳий тетик бўлиш учун қарияларга ҳар куни 15—20 марта турган жойида сакраш, 50—60 метрга югуриш фойда беради. Имконияти ва шароити бўлса ҳовлида енгил меҳнат билан шуғулланиш ҳам жисмоний тетиклик омилидир.

Эрталабки нонушта ва тушки овқатланишдан сўнг тоза ҳавода кўча-хиёбонларни сайр қилиш зарур. Шуни унутмангки, фаол ҳаракат қон айланиш, нафас олиш ҳамда овқат ҳазм бўлиш тизими фаолиятини маромига келтиради. Шу ўринда чойхонада қариялар гурунгида узоқ ўтириб қолмаслик, тез-тез ҳаракатланиб туришни тавсия этар эдик.

Бу тавсиялар баъзиларга эриш туюлиши мумкин. Кимнингдир кўнглига ўтиришмаётган бўлиши табиий. Чунки саломатликни яхшилаш йўлидаги бундай усуллар биз кекса авлод қонига сингиб улгурганича йўқ. Лекин жисмоний машқлар кексаликнинг олдини олиш, қарияларнинг доимо тетик, бардам яшашлари, шу билан бирга ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш қобилиятларини давом эттиришга сабаб бўлувчи омил дейишга асослар етарли.

Равшан АБДУМАЛИКОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент,
I гуруҳ ногирони

Шукрона

ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик. Бой тарихимизга холисона эгалик қила бошладик. Қадриятларимиз тикланди ва юксалмоқда. Мамлакатимиз иқтисоди ҳам аста-секин юксалиб уни жаҳон танимоқда. Мустақиллик шарофати билан бебаҳо маънавий мулкимиз — динимиз тикланди. Истиқлол туфайли динга эътибор нечоғлик кучайганига бугун ҳар биримиз гувоҳмиз. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари халқ байрами сифатида расман дам олиш кунлари деб белгиланди. Ислом институти, ҳатто вилоятларда диний мадрасалар очилди. Фуқароларимиз улкан ва бой маданиятимизнинг узвий масалалари бўлмиш Ислом назарияси ва тарихи, Ислом фалсафаси ва ҳуқуқшунослиги, Ислом маданияти ва ахлоқини яқингинада ташкил этилган Ислом университетида ўрганиш имконига эга бўлдилар. Тараққий топган мусулмон мамлакатларининг ўқув юртларида юзлаб талабаларимиз диний билим олишмоқда. Қуръони каримнинг ўзбекча нашри, сўнгра ҳазрат Имом ал-Бухорий тўплаб қолдирган "Ал Жомеъ ас-саҳиҳ"нинг ўзбек тилидаги тўрт жилди, "Ахлоқ ва одобга оид ҳадис намуналари", "Қудсий ҳадислари", "Минг бир ҳадис", Пайғамбаримиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи ўнлаб китоблар, шунингдек, юзлаб диний мавзудаги асарлар чоп этилди.

Диндорларнинг ҳуқуқлари бош қонунимиз бўйича кафолатланган. Истиқлол шарофати билан ўн минглаб юртдошларимиз Ҳаж ва Умра зиёратини амалга оширдилар, дину иймон беадад қадр топди. Шу боис юртимизда эришилган ҳар бир ютуқдан Аллоҳга шукроналар айтишимиз, қувонишимиз, шундай тарихи бой халқ фарзанди бўлганимиздан фахрланишимиз асослидир.

Гулбаҳор РАЗЗОҚОВА

Суҳбат

Қўшиқнавис шоир Мурод Раҳмонни юртимизда танимайдиган одам кам топилса керак. Унинг "Ажаб сирлар", "Нилуфар", "Умидим қолди", "Бизни баҳор чорлар, азизим", "Садоқат", "Вафо", "Азиз одамлар", "Мағрур қиз" каби қўшиқлари кириб бормаган хонадон йўқ. Мухбиримиз шоир билан шеър, туйғу, қўшиқ ҳақида суҳбатлашди.

ИНСОН ИҚБОЛ БАХТ УЧУН ЯШАР...

— Мурод ака, аввало шеърнинг туғилиш жараёни ҳақида гурунглашсак. Илк қалам тутган онларингизни ҳануз яхши хотирласангиз керак, шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, инсон илк бор чинакам гўзалликка, жозибага дуч келганида, юраги тўлқинланади, сеҳрли нигоҳ ва ёқимли сўзлардан қалбида ажиб туйғулар жўш урганда ўзини ажиб ҳис қилади, ичи тўлиб-тошади. Энди унга оддий сўзлар камдай, ўз ҳаяжонини, ҳисларини изҳор этиш учун сўз ожизлик қиладигандай туюлади. У қалб кечинмаларини қандайдир нафис ва таъсирли, маъноли ва оҳангдор сўзлар маржони орқали ифодалашга интилади. Бу қудрат эса фақат шеърда бўлади!

Мен ҳам биринчи шеърларимни ана шундай сеҳрли, ширин туйғуларга, меҳрга дуч келганимда, муҳаббат лаззати ҳамда изтиробларини бошдан кечирган пайтларимда, баъзан адолатсизликка йўлиққанимда ёзганман.

— Шеър билан қўшиқ ўртасидаги тафовутни ҳар ким ўзича ифодалайди. Сизнингча, уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

— Менимча, шеър – бу ақл нуридан, юрак қўридан битиладиган нафис ва таъсирли, маънодор ва жарангдор сўзлар маржони, силсиласи. Шеър ёзиш—шоир учун ихтиёрий масъулият, мунтазам равишдаги ижодий изланиш, азобланиш, тинимсиз қилинадиган ақлий ва руҳий меҳнатдир.

Қўшиқ эса, қалбга тез таъсир эта олувчи оҳангдор сўзлар уйғотадиган туйғу ифодаси.

Қўшиқ содда сўзлардан тузилиши керак. У одатда ортиқча муболағa, чуқур фалсафани кўтармайди. Чунки қўшиқда фикр аниқ, сўзлар равон ва лўнда бўлмаса, тингловчи зерикади. Тингловчи қисқа вақтда сўз қочиримларини чақиб кўришга улгурмайди.

Беморни оёққа
турғазар қўшиқ,
Ҳатто жонсизга жон
бахш этар қўшиқ.
Қўшиқ бу – туйғулар
таржимонидир,
Юраклар дармони —
ишқ уммонидир!

— Ижодингизда Садоқат мавзуси кўпроқ учрашини қандай изоҳлайсиз?

— Садоқат... Бу мавзу мен учун жуда қадрли. Чунки садоқат энг аввало инсонга ишонч бағишлайди, унга чинакам бахт ато этади. Ахир муҳаббат ҳам садоқат туфайли қудратли-да! Мен ҳам бу мавзуга кўп бор қўл урганман. "Садоқатингдан", "Излаганим", "Вафо қўшиғи", "Азиз одамлар", "Вафодор" каби



қўшиқларим шулар жумласидан. 1990 йилда Ўзбекистон телевидениесида яратилган "Садоқат" номли видеофильмнинг муаллифиман.

Агар садоқат бўлмаса, ҳаёт бўшлиққа ўхшаб қолган буларди, турмуш зерикарли, дўстлик, муҳаббат деган энг қимматли, энг улуғ фазилатхислатлар ҳам қадрсиз бўлиб қоларди.

Сен бор учун
бу олам гўзал!
Сен борки, ишқ —
дунёга машъал!
Зарурсан ҳаммага
ҳар маҳал,
Сен — бебаҳо
фазилат азал –
Садоқат, садоқат,
садоқат!

"Вафо қўшиғи" номли шеъримни атоқли ўзбек шоираси Зулфияхонимнинг ўз умр йўлдоши Ҳамид Олимжонга бўлган садоқатига бағишлаганман. Бу шеърни қўшиқ бўлиб кетиши ҳақида ўйламаган эдим. Ёш хонанда Муҳиддин Тошмирзаев ана шу шеър асосида "Зулфия" номли қўшиқ яратибди. Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов айтаётган "Садоқат", таниқли хонандалар Абдулла Раҳимжонов ижросидаги "Вафодор", Муталлибжон Зуҳриддинов ижросидаги "Меҳринг туфайли" каби тароналарда ҳам дўстга, ёрга, ота-онага, юртга, азиз халқимизга бўлган садоқатимни изҳор этишга интилганман...

— Қайси бастакор ва хонандалар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз?

— Шеърларимга куй бастаган бастакорлардан Ўзбекистон халқ артистлари — Ғанижон Тошматов, Шермат Ёрматов, Ботир Умиджонов, Абдуҳошим Исмоилов, Республикада хизмат кўрсатган артистлар — Салоҳиддин Тўхтасинов, Қаҳрамон Комилов, Муҳаммаджон Шокиров, Замира Раҳматуллаева ва таниқли бастакорлар — Аваз Мансуров, Замира Миролимова, Маъмуржон Шокировдан ғоят миннатдорман. Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқуловни ҳар томонлама етук санъаткор деб биламан. У ўзига хос мактаб ярата олган хонанда ва бастакордир.

Бир вақтлари Ғ.Ёқубов, Н.Ҳамроқулов, О.Отажонов, Ў.Нуралиев, Ҳ.Лутфуллаев каби машҳур хонандалар ижодимга мурожаат этишган бўлса, бурун Сайёра Қозиева ("Умида", "Дўст"), Равшан Комилов ("Мен излаган гул қайда"?), Абдулла Қурбонов ("Шодлан, кўнгил!"), Салоҳиддин Азизбоев ("Кетар бўлдинг"), Анвар Санаев ("Қарашингда маънолар бор"), Ойбек Ҳамроқулов ("Шу даврада"), Нодир Лутфуллаев ("Юртимизга кўз тегмасин!"), Исроил Саидуллаев ("Бир қиз қараши") каби истеъдодли санъаткорлар ҳам шеърларимни қўшиқ қилиб куйлаяптилар. Бу тароналар менга янада илҳом бағишлайди ва ижодда катта масъулият юклайди.

— Меҳнат фаолиятингизни Ўзбекистон Телерадиокомпаниясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу мўътабар даргоҳдаги фаолиятингиз хусусида нималар дея оласиз?

— Университетни тамомлаб, республика радиосига ишга келдим. Адабий- драматик эшиттиришлар Бош таҳририятида ўн беш йил ишладим. Шу йилларда "Оқ йўл", "Ватан илҳомлари" эшиттиришларини ташкил этдим. "Табассум", "Яхши кайфият" радиожурналларини тайёрладим. "Сенинг замондошинг" рукнида берилган туркум эшиттиришларим, ўйлайманки тингловчиларга манзур бўлди.

Мана, ўн олти йилдан ошдики, телевидениеда хизмат қилиб келмоқдаман. Бу давр мобайнида "Оқ тулпор изидан", "Ўзганинг онаси", "Фалакнинг гардиши", "Дардисар", "Бозор кўрмаган йигит", "Хавотирли алоқалар", "Тўй", "Нишонга теккан ўқ", "Мубтало", "Олтин сиртмоқ" телеспектакл ва видеофильмларга муҳаррирлик, "Сирли наволар соҳиби", "Зиёбахш умр", "Сир соҳили садолари", "Садоқат" видеофильмларига муаллифлик қилдим. 1991 йилдан "Маърифатнома" кўрсатувини ташкил қилиб, унда оила, никоҳ, ҳалоллик, поклик, бола тарбияси, отаона ҳурмати ва бошқа мавзуларда турли касб эгалари билан суҳбатлар уюштирдик.

"Бир асар тарихи", "Телевизион минатюралар театри", "Истиқлол сурури", "Шийпондаги учрашувлар", "Шунчаки ҳазил", "Бир актёр театри", "Дўрмон ҳангомалари", "Айтишув" каби туркум кўрсатувларимиз томошабинлар қалбидан жой олган бўлса, ўзимни бахтиёр ҳис этардим.

Сўнгги йилларда тайёрланган "Дили дилига пайванд", "Дўстлик армуғони", "Хушвақт бўлинг!" каби муаллифлик кўрсатувларим ҳам ўз мухлисларини топганидан ғоят мамнунман.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Мурод РАҲМОН

АЖАБ СИРЛАР...

Ажаб сирлар бормиш субҳи сабода,
Умр акс этармиш оқар дарёда.
Умид юлдузлари порлар самода,
Мен бахтим топгайман қай дилрабода?
Бизни ҳам севгучи бордир дунёда.

Ошиқлар орзуси ўхшаш бўлармиш,
Тақдир бир-бирига туташ бўлармиш,
Кўнгилларда ўчмас оташ бўлармиш,
Аъло бўлар эмиш аҳду вафода,
Бизни ҳам севгучи бордир дунёда.

Инсон иқбол учун, бахт учун яшар,
Меҳрга интилсанг, севсанг ярашар,
Бир кун ўтли, шайдо кўзлар учрашар.
Муродим кўрарман ўшал барнода,
Бизни ҳам севгучи бордир дунёда...

АЗИЗ ОДАМЛАР

Ҳаёт берилгандир бир бора бизга,
Эгов бўлмоқ нечун ўз умримизга?
Эътибор қилайлик бир-биримизга,
Нечун аччиқ сўзлар ўз ёримизга?!
Эй, азиз одамлар, бахт тилай сизга!

Муҳимдир дунёда меҳр, оқибат,
Нечундир баъзилар ўзаро лоқайд...
Барчамизга ахир зарурдир тоқат,
Асло ёв қараманг бир-бирингизга.
Эй, азиз одамлар, бахт тилай сизга!

Қўшнингиз тўй қилса, кира олмайсиз,
Онангиз кўргали бора олмайсиз.
Бемор дўстингизни кўра олмайсиз,
Қараб яшанг ахир ён-верингизга.
Эй, азиз одамлар, гул берай сизга!

Гоҳ сезмай яшаймиз ой-у юлдузни,
Амал, бойлик дўстдан тўсмасин кўзни.
Нечун аягаймиз сал ширин сўзни?
Мададкор бўлайлик бир-биримизга.
Эй, азиз одамлар, бахт тилай сизга!

Бир-бирини қувватлаб яшар ҳар инсон,
Камол топса фарзанд, ким бўлмас шодон?
Нечун хабар олмас отадан ўғлон?
Меҳр керак бугун диёримизга,
Эй, азиз одамлар, завқ тилай сизга!

Оғир дамда дилга дарддош керакдир,
Билсанг, Мурод, элга дилдош керакдир.
Булутни қувмоққа қуёш керакдир,
Садоқат керакдир ҳар биримизга,
Эй, азиз одамлар, бахт тилай сизга!

Ён дафтар

ТУҒИЛИБ-ТУҒИЛМАС ҲАМКАСБЛАР

"Қалам ҳақимни ким беради?"

Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида ташкил этилган Герман Титов номли 6-давлат хўжалиги 1963 йил кузда республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ушбу қувончли воқеа муносабати билан вилоят газетасида илғор хўжалик ҳақида репортаж берилди. Вилоят радиоси хўжалик пахтакорларининг меҳнат зафарига бағишлаб махсус эшиттириш тайёрлади.

Лекин орадан беш-олти кун ўтгач, "Сирдарё ҳақиқати" газетаси муҳаррири Акмал Пўлат вилоят партия қўмитаси бюросида қатнашиб, нохуш хабар олиб келди. Бюрода 6-давлат хўжалиги директори Саттор Усмонов партия аъзолигидан ўчирилиб, вазифасидан бўшатилибди.

Воқеа бундай бўлган экан. Вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Пахтакор туманида бўлиб, тун борлиққа қора пардасини ёя бошлаган пайтда Гулистонга қайтибди. У оқ "Волга"сида Титов номидаги хўжаликни кесиб ўтган катта асфальт йўлдан бораётиб, пахтазорда юрган қўйларни кўриб қолибди.

— Тўхта! – дебди вилоятнинг ҳокими ғоят дарғазаб бўлиб ҳайдовчига. — Чўпонни топиб кел.

Ҳайдовчи машинани йўл ёқасида тўхтатиб, чўпонни топиб келибди. Биринчи котиб унга ўзини таништириб дебди:

— Нега қўйларни пахтазорда боқаяпсан? Бу жиноят эканлигини биласанми?

— Директор рухсат берган.

— А?!

Эртаси обком бюроси чақирилибди.

— Халқ бойлигини қўйга едирган, пахта душмани бўлган раҳбарни партиядан ўчириб, ишдан олиш билан кифояланмаслик керак, - дебди биринчи котиб бюродаги нутқи ниҳоясида. – Усмонов ҳақида газетада фельетон ҳам ёзилсин!

* * *

С.Усмонов обком бюросидан чиққач, тўғри Тошкентга - қадрдони ва ҳомийси, ўша пайтда бевосита Москвага итоат этган нуфузли ташкилот – "Средазирсовхозстрой" Бош бошқармаси бошлиғи Саркисов олдига борибди. У бўлган воқеадан хабардор бўлгач: "Асло руҳинг тушмасин, Саттор, мен шундай бир иш қилайки, сени партия билетингни ҳам қайтариб беришади, директорлик лавозимингга ҳам тиклашади" дебди.

Кейин Саркисов ўзи машинка ёнига ўтириб, Саттор Усмонов номидан 6-давлат хўжалиги пахта тайёрлаш режасини Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажарганлиги ҳақида КПСС Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н.С.Хрушчев номига ғалаба рапорти ёзибди. Рапортга Саттор Усмонов имзо қўйгач, ўша куннинг ўзида Москвага учибди.

Саркисов Хрушчев қабулига кирганда шўролар давлати бошлиғининг кайфияти соз экан.

— Ўзбекистондан қандай хушхабар олиб келдингиз, ўртоқ Саркисов? – сўрабди у.

— Ажойиб хушхабар. Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида биринчи бўлиб ташкил этилган Герман Титов номли 6-давлат хўжалиги вилоятидагина эмас, Ўзбекистонда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ҳар гектардан 30 центнердан ҳосил кўтарди. Бу Мирзачўл шароитида мисли кўрилмаган ютуқ. Мен бу хўжалик директори, миришкор пахтакор Саттор Усмоновнинг сизга ёзган рапортини олиб келдим.

— Жуда соз!

Хрушев мактубни ўқиб бағоят мамнун бўлибди. Ўша заҳоти ёрдамчиларидан бирини чақириб топшириқ берибди:

— Менинг номимдан Усмоновга жавоб мактуби тайёрланглар. Мактуб самимий ёзилсин, юракка тегадиган даражада таъсирли бўлсин. Мактуб барча матбуот нашрларида эълон қилинсин.

* * *

Бу орада вилоят газетасида эълон қилинадиган фельетон ҳам тайёр бўлди. Фельетон терилиб, саҳифаланадиган кунда муҳаррир Акмал Пўлат радиодан Хрушчевнинг Герман Титов номидаги 6-давлат хўжалиги директори Саттор Усмоновга табригини эшитибди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолибди.

Ўша куни Сирдарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби Саттор Усмоновдан узр сўраб, партия билетини қайтариб берибди.

Табиийки, вилоят газетасида босиладиган фельетон ҳам қолдирилди. Таҳририятда шу ҳақда гап бўлганида фельетон ёзган журналист:

— Энди менинг босилмаган фельетонимнинг қалам ҳақини ким беради? – деди.

— Бориб Саттор Усмоновдан оласиз, - деди кимдир.

Даврада кулги кўтарилди.

Оқилликнинг боиси

Шаҳар автобусида хонабодлик уруш ва меҳнат фахрийси, педагог Пўлат Мўминовни учратиб қолдим. У киши ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Алиназар, ёзувчи Ўткир Ҳошимов сен билан бирга ишлайдими? – деб қолдилар.

— Ҳа, "Шарқ юлдузи" журналида бирга ишлаймиз. У киши менинг раҳбарим бўладилар.

— Яхши одам билан ишлар экансан. Ўткир Ҳошимов ўтган ҳафта қишлоғимиздаги мактабга борган экан. Мен ҳам ўша куни мактабга боргандим. Қарасам, тайёргарлик авжида. Ўқувчиларнинг бири ҳовлига сув сепган, бири супурган. Муаллимлар ҳам югуриб юришибди. Нима гаплигидан бехабар:

— Бу ёққа келиб озгина нафас ростланглар, мен сизлар билан гурунглашгани келганман, - дедим.

Улардан бири:

— Бугун сиз билан гаплашишнинг мавриди эмас, - деди.

— Нима, мактабда тўй бўлаяптими?

— Ҳали эшитмадингизми? Ўткир Ҳошимов келаяпти-ку.

— Ўткир Ҳошимов келса келибди, у ҳам бизга ўхшаган одам.

— Оддий одам эмас-да, таланти зўр одам. "Қалбнинг оппоқ дафтари" мақоласини ўқиганмисиз? Муаллимлар ҳақида ажойиб гапларни айтган-ку!

Мактабдаги ҳангомани айтиб бергач, устозим мени саволга тутди:

— Алиназар, Ўткир Ҳошимов нечанчи йилда туғилган?

— 1941 йил.

— Уруш бошланишидан олдин туғилганми, ё кейинми?

— Менимча, урушдан икки-уч ой аввалроқ туғилган.

— Э-ҳа, шунинг учун ҳам ақлли экан-да. Урушдан аввал тўқчилик эди...

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

(Давоми бор)

Тузувчи: Зиёдахон АБДУЛЛАЕВА

В	А	Т	И	К	А	Н	Митти давлат	М	И	Л	А	Н	Италия футбол жамоаси
О	Палов / кино-соврин	О	Ш	Тоқат	Т	Ё	Қитъа	А	Д	А	Ота шевада	О	Улуғ неъмат
Л	Ю			Е	Л	А	Бурж	Т				И	кимёвий элемент
Е	С			А	А	М	Замин	Е					
Й	К	Ипак		Б	С	Харита / Салом		Р				А	
Б	А	Д	О	Р	Фасл		Л	И	К	Темир (тескариси)	А	С	О
О	Р	Осмон		Вулқон	Авто-русум	Т	И	К	О	Ҳисса / Африкадаги дарё	А	И	О
Л	Вилоят	Ф	Фанат	Л		Л	М	3,14	П	И	Миллат	Р	
Спорт тури Хотира	Н	А		А		А	клей / казаклар бошлиғи	Л	Е	Шамол (тескариси)		А	
	А	Л	Корея пул бирлиги	В		Н	Ука	И	Н	И	Шикаст / мато	Тутқун аёл	Қизлар исми
	М	А	К	А			О	Н	Я	Мол алмаштириш	Б	Й	З
	А	К	А	Масхара	Зарра	И	Саҳар / Шпа-...		А	М	А	К	ош ичида тош
	И	Америка штати	Л	А	Н	К	Д		Г	О	Р	Т	Рухсат
	Г	Ю	А	Л		А		Россиялик хонанда	Е	Б	Т	А	И
	А	Т	К	М		Океан			Н	Е	Л	М	З
	Н	А	А	Машҳур боксчи		Баҳо		Нота / кимёвий элемент	Дания пойтахти / Олимлар мукофоти	Д	Р	Ўғил болалар исми	Н

Қадрли ҳамкасбимиз
ЗУМРАДХОН!
Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ишларингизга омад, ўзингизга бахт-саодат, оилангизга қут-барака, тинчлик-тотувлик тилаймиз!

"HURRIYAT"чилар

Жажжи қизалоғимиз Соҳибжамол!
Сени туғилган кунинг билан табриклаймиз. Дунёдаги жамики яхшиликлар сенга ёр бўлсин. Илоҳим, бахтимизга соғ-саломат ўсиб улғайгин!

Дадангиз Убайдулла, ойинг Марҳабо, опанг Мафтунабону ва аканг Саддам Ҳусайин

Ҳа-зил

ҒАЛАТ-ҒАЛАТ ГАПЛАР

Иш пайтида зиёли ва маданиятли бўлишга ҳаракат қиламан. Шу сабабдан жуда чарчайман.

* * *

Газетага мақола жўнатган эдим. Менга шундай жавоб йўллашибди: "Мақолангизни босамиз. Бироқ бизни бундан кейин ўз ёзишмаларингиз билан қийнамаслигингизни илтимос қиламиз".

* * *

Ҳей, кўряпсанки, ўқ рўпарангдан яроқлаб келяпти. "Ёт!" дегандан кейин ётгин-да, зангар!

* * *

Ойтилла сатанг парихондан сўраяпти: — Тушимда худди онадан туғилгандек эмишман. Ўнгимда нима бўларкин?

* * *

Бир журналда ўқидим: бир донишманд "Тарих такрорланиб туради", дебди. Жуда тўғри айтибди. Мана, масалан, менинг чўнтагимда яна пул йўқ.

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Mustaqil gazeta HURRIYAT
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амирқул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 133-69-45.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Собиржон ЁҚУБОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 373

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.